

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 43 Нем
КБК 81.2 Нем-5
Ж 91

ЖЎРАҚУЛОВ АБРОР РАУФОВИЧ

МАТН ИУТҚИЙ БИРЛИК СИФАТИДА

мавзуида

5А 120102 мутахассислиги

бўйича магистр даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Лингвистика (немис тили)

Илмий раҳбар: доц. Н.Элмуродов



Самарқанд – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. МАТН НАЗАРИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	12
1.1. Немис тилида матнга оид мулоҳазалар.....	12
1.2. Рус тилшунослигида матн назариясига оид мулоҳазалар.....	25
1.3. Биринчи боб бўйича хулосалар.....	36
II БОБ. МАТННИНГ ФУНКЦИОНАЛ КЎРИНИШЛАРИ.....	39
2.1. Қўшма гап - период – матн.....	39
2.2. Шахссиз пассив.....	47
2.3. Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	59
III БОБ. МАТН ВА ТАРЖИМА.....	62
3.1. Матн ва таржима назариясининг шаклланиши ва унинг турлари...	62
3.2. Матн таржимасида муқобиллик масаласи.....	72
3.3. Учинчи боб бўйича хулосалар.....	88
ХУЛОСА.....	91
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	94

КИРИШ

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Республикамизда халқимиз ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида бўлгани каби, илм-фан соҳаси ҳам тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатимизда илм-фаннинг қисқа фурсатларда ривожланганлиги прагматингвистика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, нейролингвистика, психолингвистика, корпус тилшунослиги, гендер тилшунослиги каби турли-туман соҳалар тадқиқиқа эътибор кучайганлиги натижаси ўлароқ қатор ишларнинг юзага келганлигида кўринади. Юртимиз илм-фани ривожининг бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида ҳам эътироф этилаётганлиги, илм-фан ютуқларининг амалиётга жорий этилаётганлиги қувончли ҳол бўлиб, бу бевосита миллий мустақилликка эришганлигимиз натижасидир. Маълумки, тил жамият ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади, жамият ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир янгилик, ҳар бир ўзгариш тил сатҳларида у ёки бу даражада ўз аксини топиши табиий. Тил, унинг ижтимоий вазифаларининг намоён бўлиш шакллари ва нутқнинг турли кўринишларини акс эттирувчи матнларда лингвостилистик воситаларининг қўлланилиши билан боғлиқ масалалар бугунги кунда тилшуносликнинг долзарб вазифаларидан бўлиб турибди. Ўзбек тилшунослигининг мустақиллик давридаги тараққиёти тилшунослигимизда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг жаҳон тилшунослиги андозалари асосида олиб борилганлиги билан белгиланади. Ўзбек тилшунослиги ўзининг ўтган қисқа давр ичидаги тараққиёти давомида тил сатҳларини тадқиқ этиш бўйича назарий ва амалий жиҳатдан янада такомиллашди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай ёзади: “Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш

устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир” [Каримов 2008: 87].

Бугунги кунда тилшунослик инсоннинг лисоний тафаккури ва унинг коммуникация фаолияти билан бўлган ҳодисаларни тадқиқ этиш билан шуғулланмоқда. Инсонларнинг нутқий мулоқоти ҳодисасида тилнинг яратувчанлик, ижодкорлик имкониятлари кўзга яққол ташланади. Бу яратувчанлик ва ижодкорлик нутқий мулоқот ҳодисасининг маҳсули бўлган матнда ўз аксини топади. Бутун дунёда илмий ғояларнинг яхлитланиши натижасида турли илмий соҳалар чегарасида янги соҳалар пайдо бўлиб, шаклланиб бормоқда. Шу жумладан, матн тилшунослиги ҳам. Бу соҳада матн - лингвистик тадқиқ объекти сифатида эътироф этилмоқда.

Матн тушунчасининг илмий-тадқиқот объектига айланиши, матн тилшунослигининг доимий муаммоларини ечишда асосий омил бўлиб хизмат қиляпти. Шу билан бирга тадқиқотчилар ушбу муаммоларни ҳал этишда қатор қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бунинг учун қуйидаги сабабларни келтириш мумкин:

- матн тилшунослиги назарий жиҳатдан ҳали тўлиқ шаклланмаган;
- матн тадқиқотчиларининг қарашларида кўплаб зиддиятли хулосалар мавжуд;
- матннинг замонавий ва анъанавий лисоний таҳлили зид қўйилган;
- матн тилшунослиги матнгача бўлган тилшуносликдан ажралиб қолган.

Булар матн тушунчаси ва ҳодисасига аниқ тавсиф ва тасниф беришни мураккаблаштирмоқда. Шу ўринда матн ҳодисаси базаси (замири) да ётган грамматик ҳодисалар ва категориялар таҳлилини ҳам унутиб қўймаслик лозим.

Шу муносабат билан, матн назариясига оид асосий тушунча ва ғояларни қайта таҳлил қилиш, айниқса матн назариясига оид жаҳон тилшунос олимларининг фикрларини ўрганиш, матннинг таржима билан ҳамоҳангликда тадрижий ривожланиш ва шаклланиш босқичларини ҳамда матн таржимасида муқобиллик масалаларига қисқача маълумот бериш долзарбдир.

Илмий иш доирасида матннинг функционал кўринишларини тадқиқ этиш, матннинг таржима билан узвий алоқада эканлигини ўрганиш, матн таржимасида муқобиллик муаммо ва ечимларини кенг қамровда ҳал этиш хорижий филология мутахассислари учун аҳамиятли ҳодиса эканлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Немис ва рус олимларининг матн ташунчаси, матн назарияси ҳақидаги қарашлари, матнда грамматик категориялар, матн ва таржима назарияси шаклланиши ҳамда матн таржимасида муқобиллик масалалари тадқиқотнинг объекти ҳисобланади. Матн мазмунан тугал ва яхлит бўлиб, унга ўқувчи ўз муносабатини билдиради. Зотан, ҳар қандай матннинг коммуникатив (нутқий) қиймати информациянинг қабул қилувчи учун қанчалик муҳим ёки янгилик экани билан ўлчанади. Шу муносабат билан илмий иш доирасида матннинг нутқий (коммуникатив) бирлик сифатида талқин этилиши тадқиқот предмети этиб белгиланди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ҳинд-европа тилларида, жумладан, немис ва рус тилларида матн турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш мазкур тадқиқот ишининг бош мақсади саналади. Тадқиқот ишида бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- немис ва рус тилларида матн турларининг ўрганилиши ва бу соҳадаги муаммолар тўғрисида сўз юритиш;
- тилшуносликда матнни ўрганиш бўйича яратилган тадқиқотлар, амалга оширилган ишларга ҳолисона баҳо бериш;
- матнларнинг лингвомаданий концепт сифатида адабий тил тизимида тутган ўрнини белгилаш;
- матнларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши йўллари аниқлаш;
- матнда муаллиф коммуникатив мақсади, нутқий стратегия ва тактика, прагматик самаранинг акс этиши масаласини ёритиш;
- бадиий матннинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;
- бадиий матнда қўлланувчи birlikларнинг маъно нозикликларини аниқлаш;
- матнда тил birlikларининг коммуникатив мақсадига боғлиқ ҳолда ижобий ёки салбий баҳо ифодалаш воситаси сифатида иштирок этишини мисоллар асосида таҳлил қилиш ва шу асосда бадиий матннинг фарқли жиҳатларини белгилаш;
- тўпланган материалларни бир тизимга солиш ва шу асосда матн турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муайян хулосаларга келиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

- немис ва рус тилшунослигида амалга оширилган тадқиқотларни қиёслаш асосида матнларнинг ўзига хос имкониятларини аниқлашга ҳаракат қилинди;
- магистрлик диссертациясида немис, рус, ўзбек тилшунослигида матнларнинг лисоний табиатини ўрганишга бағишланган ишларга муносабат билдирилиб, улардаги матнларнинг хусусияти ҳақидаги фикрлар таҳлил қилинди;

- фикр ифодалашнинг энг қулай воситаси ҳисобланган фразеологизмларда баҳолаш имкониятининг кенглиги турли матнлардан олинган мисоллар асосида исботланди;

- бадий матндаги тил бирликларининг эмоционал-экспрессивлиги, нутқ объектига муносабат билдириш, уни баҳолашдаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилди;

- матнларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишига хизмат қилувчи бирликлар аниқланди ва уларнинг матн таркибида иштирок этиш сабаблари аниқланди;

- матн турлари, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари тасниф қилинди ва изоҳланди;

- матн шаклланишида хизмат қилувчи лексик-фразеологик бирликлар, лингвостилистик воситалар аниқланди ва изоҳланди;

- тил бирликларининг бадий матнда қўлланиши сўзловчининг субъектив муносабатига боғлиқ ҳолда ижобий ёки салбий муносабат ифодалаши кўрсатиб берилди;

- тадқиқот натижаларига кўра бадий матннинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида муайян илмий хулосаларга келинди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида матн назарияси соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларга оид масалалар кўриб ўтилган. Ишда ёритилган масалалар юзасидан келтирилган хулосалар синтактик birlik бўлган матн ҳамда матн таржимаси соҳасидаги тадқиқотларни жадаллаштириши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Тилшунослик ҳозирга қадар немис, рус ва ўзбек тилларининг бир неча сатҳлари бўйича бир қатор салмоқли ютуқларни қўлга киритган. Бунда матн муаммосига оид масалалар турли нуқтаи назардан ўрганиб чиқилди, нутқнинг ҳар хил кўринишларига оид матнларни таҳлил этишга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ турли монографиялар,

кўлланмалар, қатор мақолалар яратилди, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди [de Beaugrande, Dressler 1981; Fix, Poethe, Yos 2003; Heinemann, Viehweger 1991; Ҳақимов 1993; Ҳақимов 2001; Йўлдошев 2007]. Аммо шуни алоҳида қайд этиш лозимки, матн тилшунослигининг асосий ўрганиш объекти бўлган матн тушунчасининг моҳияти ҳамда уни таърифлаш масаласида ҳозирга қадар нафақат ўзбек тилшуносларининг, балки жаҳон тилшунос олимларининг ҳам фикрлари бир хил эмас.

“Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да матн атамасига “Ёнма-ён ҳарфлар, ёзув орқали акс эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси текст” деб таъриф берилади [Ҳожиёв 2002: 61]. Матн муаммоси билан бирмунча кенгрок кузатишлар олиб борган тилшунос олим М.Ҳақимов бунга шундай таъриф беради: “...Нутқ – бу сўзловчининг нутқий жараёни билан алоқадор бўлган ҳодиса сифатида ифода этилса, матн (текст) ҳам ана шу нутқий ҳодисанинг ёзилган (“босма ҳарф орқали акс этган”) парчасидир. “Нутқ” ўзининг ёзма шаклида “матн” атамасига тенг келади. Ҳар қандай нутқнинг ёзма шакли матн тушунчаси моҳиятини ифода этади. Текст – оғзаки нутқ, контекстга нисбатан стабиллашган, маълум қоида-қонуниятлар ва адабий тил меъёрлари асосида шаклланган ёзма нутқ. Матн бир вақтнинг ўзида эмас, балки бир неча аср аввалги ва кейинги шахслар ўртасидаги алоқа муносабатини юзага чиқарувчи воситадир” [Ҳақимов 1993: 17-21].

М.Йўлдошев эса матнларни ҳажм белгисига кўра, матн типлари ва ифода мақсади ва мазмун белгисига кўра матн типларига ажратади [Йўлдошев 2007: 12]. У ўзининг “Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари” китобида ифода мақсади ва мазмунига кўра бадий матннинг қуйидаги турларни қамраб олишини таъкидлайди: 1) Ҳикоя мазмунли матн. 2) Тасвирий матн. 3) Изоҳ мазмунли матн. 4) Дидактик матн. 5) Хабар мазмунли матн. 6) Буйруқ мазмунли матн. 7) Ҳиссий ифода мазмунли матн [Йўлдошев 2007: 18].

Юқорида қайд этилган матнлар таркибида ўринли қўлланилган ва ёзувчи мақсадига хизмат қилувчи ҳар бир лисоний бирликда тилнинг эстетик вазифаси у ёки бу даражада намоён бўлади. Бу борада Н.Маҳмудов шундай фикрларни билдиради: “Тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим – тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш, миллий-руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради. Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бениҳоя мураккаб ва мухташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-руҳий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли “тил” га барабарлаштиришдан бошқа нарса эмас.

Ҳолбуки, одамлар тил воситасида туйғу ва кечинмаларини, қувонч ва қайғулари, ҳайрат ва ҳайронликлари, қалбдаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларини ҳам ифодалайдиларки, булар ҳамиша ҳам соф коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди. Эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айна шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён этади” [Маҳмудов 2006: 47-51]. Матнда сўзнинг тутган ўрни, сўз ва матн муносабати, унинг лексик-семантик ва услубий бирлик сифатидаги имкониятлари тадқиқ қилинаётган тилларни турли нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларида, номзодлик ва докторлик диссертацияларида ўрганилган [de Beaugrande, Dressler 1981; Fix, Poethe, Yos 2003; Heinemann, Viehweger 1991; Riecke, Kuhlmann 2004; Тураева 1986; Лотман 1998; Лосева 1980; Ҳозирги ўзбек адабий тили 1957; 1966; Турсунов 1995; Миртожиев 1975; Қиличев 1982; Бафоев 1983; Бегматов 1985; Юсупов 1986; Умуркулов 1985; Рустамов 1987; Аҳмедов 1961; Чарыев 1972; Абдуллаева 1980;

Насыров 1980; Умуркулов 1982; Милиев 1985; Бегматов 1988; Бафаев 1989; Миртаджиев 1989; Турсунов 1990; Турниёзов 2004].

Тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқотда қўлланилган методика. Ишни ёзиш жараёнида шакл ва мазмун диалектикаси, Президентимиз И.А.Каримовнинг маънавий меросимиз ва тарихимизга муносабат ҳақидаги қарашлари ҳамда бадиий меросимизни ўрганиш тамойиллари, матн тилшунослиги соҳасидаги назарий фикрлар методологик асос вазифасини ўтади. Шунингдек, тадқиқот жараёнида матнни ўрганишда кенг қўлланилаётган тавсифий, трансформацион, киёсий, семантик-стилистик изоҳ методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот манбалари. Илмий, лексикографик, бадиий асарлардан тўпланган мисоллар асосий тадқиқот манбаи вазифасини ўтади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Тадқиқот натижаларидан немис, ўзбек, рус тилшунослигида матнларнинг лингвостилистик хусусиятларини ўрганиш бўйича магистрлик диссертациялари, малакавий битирув ишлари ёзишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ишни ёзиш жараёнида тўпланган материаллардан матншунослик, услубшунослик ва бадиий асар тили бўйича ўтиладиган амалий дарс соатларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқот материаллари ва натижаларидан бу соҳада тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин бўлади.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот иши 2015 йилнинг 29 май куни Самарқанд давлат чет тиллар институти немис тили ва адабиёти кафедраси йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Ишнинг тузилиши. Тадқиқот «Ишнинг умумий тавсифи», ишнинг моҳиятини акс эттирувчи уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 93 саҳифани ташкил этади.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотга умумий тавсиф берилиб, мавзунинг асосланиши ва долзарблиги, тадқиқот объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, асосий масалалари ва фаразлари, мавзу бўйича адабиётлар шарҳи, тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти аниқланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Матн назариясининг ўрганилиши”**, деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади. Бу бобда немис ва рус олимларининг матн назарияси, матн ҳодисаси, матн ва интерматнлик тушунчаларига оид мулоҳазалари ўрганилиб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Матннинг функционал кўринишлари”**, деб номланиб, бу ҳам уч параграфни қамраб олган. Бу бобда матннинг функционал кўринишларига алоҳида тўхталиб ўтилган, жумладан, немис тили матнларида шахсиз пассив мисоллар орқали таҳлил қилинган ҳамда матннинг қўшма гап ва период билан муносабати аниқланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Матн ва таржима”**, деб аталади. Бу бобда матн таржима билан биргаликдаги ривожланиши, шаклланиши тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, унинг турлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, матн таржимасида муқобиллик немис тили мисолида тадқиқ этишга ҳаракат қилинган.

I БОБ. МАТН НАЗАРИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

1.1. Немис тилида матнга оид мулоҳазалар

Ўтган асрнинг 70-йиллар бошларида немис тилшунослигида коммуникатив-прагматик услуб ўз йўли ва йўналишига эга бўлди. Бу йўналиш коммуникацияга асосланган бўлиб, тил матн (лар) да ўз аксини топади. Ушбу коммуникатив-прагматик услуб орқали тилшуносликда кўплаб янги соҳалар, жумладан, социолингвистика, прагмалингвистика, матн лингвистикаси ва бошқа соҳалар ривожланиб бормокда. Бунинг натижасида тилшунослар лисоний-коммуникатив (нутқий) бирлик сифатида тадқиқ этаётган матнлар матн тилшунослигининг предметига айланиб улгурди. Чунончи, немис тадқиқотчиларининг фикрича, матн тилшунослиги “матн тушунчаси нимани англатади?” [Fix 2003: 27], деган саволга аниқлик киритиш билан шуғулланади.

Шу маънода матн тушунчаси ва ҳодисаси стилистика билан ҳам узвий боғлиқликка эга. Немис олимлари Riecke ва Kuhlmann ларнинг фикрларига кўра, “стилистика тилшуносликда алоҳида бир соҳа сифатида муайян бир матн мавзуининг лисоний тузилиш ҳолати, матн стили (услуги) билан шуғулланади. У, яъни стилистика матнни назарий ва амалий жиҳатдан қамраб олади” [Riecke / Kuhlman 2004: 66]. Шу жиҳатлари билан стилистика ва матн тилшунослиги бир-бирини тўлдиради.

Матнга экспрессивлик ва эмоционаллик бахш этишда матн стилистикаси муҳим аҳамият касб этади. Матн услуги бу – “лисоний ўзига хослик, унда поэзия ҳаётга нисбатан устун туради. Матнда иш-ҳаракатлар, характерлар, ситуация (ҳолат) ларнинг ифодаланиши, воқелик элементларини ихчамлаштириш ва символик боғланишларни танлаш билан бирга тилнинг куч-қудратга эгаллиги бадий асарнинг яккаю ягона ўзига хос хусусияти” [Kaiser 2005: 40] намоён бўлади.

Ахборотларнинг матнга кўчишида ва уларнинг матнга айланишида инсон лисоний тафаккури, киши онги (мияси) да содир бўладиган рухий, эстетик, эмоционал жараёнлар аҳамиятлидир. Шу нуқтаи назардан олиб каралганда, ўтган асрнинг 70-йиллари охирида немис тилшунослигига “когнитив психология” тушунчаси кириб келди. Бунда матн ишлаб чиқариш ва қабул қилиш стратегиясини ишлаб чиқишда онгдаги рухий (ментал) жараёнлар муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳанинг йирик намояндалари сифатида Robert Alain de Beaugrande ва Wolfgang Dressler ларни тилга олиш жоиздир. Улар “матнни “Bezeichnung in der Sprachwissenschaft für das Vorkommen einer sprachlichen Einheit in einem Text oder einem Kommunikationsakt; Обозначение в языкознании для совершенствования языковой единицы в тексте или коммуникативном процессе; Матн ёки коммуникатив жараёнда лисоний бирликнинг тилшуносликда ифодаланиши сифатида тавсиф этишади [de Beaugrande / Dressler 1981: 3-14].

Таъкидлаш жоизки, немис илмий адабиётларида ҳозиргача “матн” тушунчасига бир хил фикр мавжуд эмас. Жумладан, матн лисоний бирлик сифатида тушунилади. Ҳар бир лисоний бирлик каби матн ҳам иккита аспектга эга. Бу аспектлар – мазмун ва шакл. Тилшуносликда “ҳар бир тўла шаклланган, нисбатан мустақил, мазмун касб этадиган лисоний фикр билдириш (Äusserung) матн сифатида ифодаланади” [Beniuliene 2004: 13].

Бадий матн матн лингвистикасининг асосий мавзуи (объекти) бўлгани учун “мазмун” ва “шакл” компонентлари ёнига яна бир учинчи компонент – коммуникатив самара келиб қўшилади. Н.Glinz буни бадий матннинг коммуникатив характери сифатида ифодалайди. Бунда у матн ишлаб чиқарувчи билан ундан фойдаланувчи ўртасидаги алоқани тушунади. Матн ишлаб чиқарувчи бадий матн билан фақат маълумотларни етказибгина қолмасдан, балки фойдаланувчининг эстетик ва эмоционал талабларини қондиришни ҳам ўзига мақсад қилиб олади.

Матн лингвистикаси нуқтаи назаридан келиб чиқиб, матнни ҳар бир тўла шаклланган, нисбатан мустақил лисоний ёзма ва оғзаки, маъно касб этган ва эмоционал стилистик таъсирга эга фикр билдириш сифатида ифодалаш мумкин.

Бадиий матнларни аниқлашда матн ишлаб чиқарувчи билан ундан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабат ҳисобга олинади. Бошқа матнлар каби бадиий матнлар ҳам асосан коммуникатив вазифани бажаради. Бу дегани, бунда матн ишлаб чиқарувчи маълум хабарни етказишга интилади. Айнан ушбу вазифани у бадиий матнда маълум бир коммуникатив самара, эстетик ва эмоционал функция билан боғлайди. Бадиий матн тили таъсирчанлик ва эмоционаллик даражасига қараб характерланади.

Таъсирчанлик рангдорлик ва бўёқдорлик каби тушунчаларни ўз ичига қамраб олади. Экспрессивлик асосини сўз танлаш ташкил этади. Булар асосан тематик қаторлар, атамалар, байналмилал сўзлар, чет (ажнабий) сўзлар, жаргонлар, диалектлар, сўз яшашнинг турли усуллари, фразеологизмлар ва бошқа шу каби лексик воситалардир. Бундан ташқари, услубий ифоданинг турли воситалари таъсирчанликка хизмат қилади.

Бинобарин, лексик ва стилистик воситаларнинг биргаликдаги таъсири орқали матннинг таъсирчанлигига эришилади.

Эмоционаллик бадиий матннинг бошқа муҳим компонентларини ташкил этади. Хусусан, унинг асосини қуйидаги лексик ва стилистик воситалар ифодалайди: мавҳумлик (Abstrakta), ҳолат оти (Zustandssubstantive), ундов сўзлар (Interjektionen), эркалаб чақириладиган сўзлар (Kosenamen), уят сўзлар (Schimpfwörter), ҳақорат сўзлар (Pejorativa), эмоционал-рангдор сўзлар (emotionalgefärbte Lexik), ундов гаплар (Ausrufesatz), сўроқ гаплар (Fragesätze), такрорий сўзлар (Wiederholung), нутқнинг бўлиниши (Abbruch) ва бошқалар.

Экспрессивлик ва эмоционалликнинг ўзаро таъсири натижасида бадиий матннинг стилистик қийматига эришиш мумкин.

Одатда ҳар бир матн маълум бир ички ва ташқи тузилмага эга. Улар матннинг қуйидаги компонентларини ўз ичига қамраб олади: композиция (Komposition) ва архитектураник (Architektonik), ифодалаш турлари (Darstellungsarten) ва нутқни ифодалаш турлари (Arten der Rededarstellung). Улар матннинг бошқа қолган услуб рангдорлиги (Stilfärbung), экспрессивлик (Expressivität), эмоционаллик (Emotionalität) каби аспектларига бевосита таъсир этади.

Матн тузилиши – мураккаб лисоний когнитив жараён бўлиб, бу жараён тил тизимининг турли поғоналарига мансуб лисоний ва нолисоний ходисаларнинг ўзаро муносабати асосида юзага келади. Худди шу муносабатларнинг уйғунлашуви матн яхлитлигини таъминлайди [Боймирзаева 2015: 14].

Шу жиҳатдан матн ўз композицияси ва архитектураникасига эга бўлиб, улар ўзаро таъсир кўрсатади. Матн композицияси бу – кўплаб аспектлардан иборат структурадир. Бунга қуйидагилар қиради:

О матнни аниқ бир режа бўйича ташкиллаштириш; яъни тематик бирликларни тартибга солиш, сюжет линиялари, мотивлар, ғоялар, характер жиҳатлари ва бошқалар;

О архитектураник бирликларда бутун структуранинг бўлиниши: абзацлар (Absätze), бўлаклар (Abschnitte), боблар (Kapitel), қисмлар (Teile), катта қисмлар (Akte), сахналар (Szenen), матннинг тугалланган қисмлари (Strophen) ва бошқалар;

О ифодалаш тури: тасвирлаш (Schilderung), ҳикоя қилиб бериш (Erzählung), хабар бериш (Bericht) ва бошқалар;

О нутқни ифодалаш тури: муаллиф нутқи (Autorenrede), қаҳрамонлар нутқи (Figurenrede), жонли (сўзлашув) нутқ(и) (erlebte Rede) ва бошқалар;

Бу компонентларнинг ўзаро таъсири натижасида матннинг композициясига эришилади.

Архитектоник эса тор маънода матннинг ташқи қурилишини, янада аниқроқ қилиб айтганда, унинг тузилиши ёки шаклий бўлинишини ўз ичига қамраб олади.

Матн компонентларига ифодалаш тури ҳам киради. Бу – матннинг маълум шаклга келтириш учун лисоний воситаларнинг системасидир.

Ифодалаш турининг ифодаланишига нарса-предмет (Gegenstand), ҳолат (Zustand), жараён (Vorgang) ва у қандай ифодаланишига қараб объектив (objektiv), фактга асосан (sachlich), субъектив (subjektiv), экспрессив (expressiv), эмоционал (emotionel) жиҳатлар боғлиқ.

Ифодалаш тури классификацияси асосини, бир томондан, гапирувчи билан нарса-предмет ўртасидаги алоқа, бошқа томондан, гапирувчининг нарса-предметга нисбатан муносабати ташкил этади. Шунга қараб, ифодалаш турининг қуйидаги турлари бир-биридан фарқ қилади: тасвирлаш (Beschreibung), тасвирий ифодалаш (Schilderung), ҳикоя қилиб бериш (Erzählung), хабар бериш (Bericht) ва ойдинлик киритиш (Erörtern).

Тасвирлаш базасида жараёнларнинг, нарсаларнинг, аниқроғи, одамларнинг кузатишлари ётади. Тасвирлаш учун аниқлик, умумийлаштириш хос. Тасвирлаш маълумот бериш характерга эга, шунинг учун ҳам у на экспрессив ва на эмоционалдир. У фан услуби учун хос, лекин эстетик адабиётлар стилида ҳам аниқ мақсадларда қўлланилади.

Воқеа-ҳодисага қараб саънаткорона тасвирлаш **тасвирий ифодалаш** дейилади. Худди тасвирлашдаги каби тасвирий ифодалашнинг асоси объектни диққат билан кузатишдир, аммо мақсад бутунлай бошқа, аниқроғи, энг муҳимларини, умумий таассурот учун нима аҳамиятли бўлса, юзага чиқаришдир. Инсонларнинг ва нарса-предметларнинг тасвирлашда отлашган сўзлар устунлик қилади, феъллар эса унчалик муҳим роль ўйнамайди. Бундан ташқари, лексик-стилистик воситалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Жараёнларни тасвирлашда феъллар муҳим аҳамият касб этади. Тасвирлашнинг замон шакли *Präsens* ёки *Präteritum Indikativ* дир.

Ҳикоя қилиб бериш фақат хабар бериб қолмасдан, балки содир бўлган ҳодисани тушунишга ва ўқувчини бунда иштирок этишга ундайдиган ифода тури ҳисобланади. У кўпинча МЕН шаклида шаклланади. Бунда ҳикоя қилиб берувчи аста-секин тингловчининг ҳордиқ чиқариши учун қаратилган қизиқарли вазият яратади. Баъзида иккинчи шахс келиб қўшилади. Ҳикоя қилиб беришнинг бош замон шакли *Präteritum*дир. Лекин бошқа замон шакллари ҳам ўқувчини воқеа-ҳодисага тортиш учун қўлланилади. Ундов гаплар (*Ausrufesätze*), риторик саволлар (*rhetoische Fragen*), нутқнинг бўлиниши (*Abbruch*), такрорий сўзлар (*Wiederholung*) ҳикоя қилиб беришга эмоционаллик тусини беради. Сўз танлаш ҳикоя қилиб берувчининг шахсига боғлиқ. Стил (услуб) воситаларини танлаш имконияти жуда катта: экспрессив сўзлар, лексик, синтактик-стилистик воситалар. Феъллар ҳикоя қилиб беришда катта қийматга эга. Эмоционалликнинг кучайишига хизмат қиладиган модал сўзлар, модал юклама, модалликни ифодаловчи сўзлар ва бошқаларнинг миқдори нисбатан кўп. Ҳикоя қилиб беришнинг услуби кўпинча кундалик ҳаёт турмуш тарзи тилида берилади.

Нутқ ифодалаш турлари. Прозада нутқ ифодалашнинг қуйидаги турлари мавжуд: *Муаллиф нутқи, қаҳрамон нутқи ва жонли нутқ*. Муаллиф нутқи шахсий хабар ёки ҳикоя матнидир. Бунга қарама-қарши қаҳрамон нутқи матнда пайдо бўлган шахснинг фикрини ифодалайди.

Муаллиф нутқининг майли аниқлик майли (*Indikativ*) бўлиб, замон шакли умумий матннинг турига боғлиқ бўлади. Кўпинча *Präsens*, аниқроғи, *Präteritum* камдан-кам ҳолда *Futur* қўлланилади. Муаллиф нутқи нейтрал (ўртача) адабий услубда ифодаланади. Муаллиф нутқи 1- ва 3- шахсларда шаклланади. Сўнгги ҳолатда муаллиф фонга мурожаат этади, тасвирлаш, аниқроғи, ҳикоя қилиб бериш объективроқ, фақат лексик ва стилистик воситаларнинг танлови муаллифнинг тасвирланаётган кишига нисбатан позициясини аниқлаб беради. 1-шахснинг танлашда ҳикоя қилиб бериш субъективроқ таъсир этиб, муаллиф ўзини ҳикоя қилиб берувчи

билан тенглаштиради ва муаллиф нутқи, сўз танлаш, синтаксис ва услубнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Муаллиф нутқида нутқ феъллари асосий роль ўйнайди. Бу феълларнинг маълум бир танлови гапирувчининг кайфиятини, ҳис-туйғуга тўла ҳолатининг ўсиши ёки кучсизланишини ифодалайди, гапираётган шахслар ўзларининг гапириш тарзи, руҳий ҳолатига кўра характерланади ёки карама-қарши қўйилади. Замонавий асарларда ёзувчи нутқ феълларини қўллашни рад этади. Гапириш тарзи бундай ҳолатларда *Partizip I – II*, аниқроғи, сифат билан характерланади.

Қаҳрамон нутқи. Қаҳрамон нутқи муаллиф ўз қаҳрамонининг тафаккуридаги каби ёки фақат ўйлаган, ҳис қилганини қоғозга туширган матндир. Муаллиф ва қаҳрамон нутқи ўз услубида на бир-бирига мос келади ва на бир-биридан фарқ қилади. Қаҳрамон нутқи кўчирма гап ёки ўзлаштирма гап тарзида шаклланиши мумкин. Кўчирма гап муаллиф нутқи орқали амалга оширилади ёки у монолог шаклига эга бўлиши мумкин. Кўчирма гапнинг характеристик хусусияти I шахснинг ва аниқлик майлининг қўлланишидир. Ўзлаштирма гапда эса ўзганинг гапининг мазмуни қайта берилади. I шахс ўрнига III шахс, аниқлик майли ўрнига шарт-истак майли қўлланилади [Beniulienė 2004: 13].

Жонли нутқ замонавий прозада энг сеvimли услубий воситаларидан бирини ташкил этади. Жонли нутқда муаллиф нутқи ва қаҳрамон нутқи бир-бирининг ичига кириб кетади. Муаллиф гап бораётган қаҳрамон билан ўзини тенглаштиради (ўхшатади), унга нисбатан ўзининг субъектив муносабатини намоён этади. Жонли нутқ, айниқса, руҳий муаммоларни ифодалаш учун асқотади. У ички конфликтларни, асабий ҳиссиётларни, ажойиб ўй-хаёлларни ифодалаш учун хизмат қилади. Жонли нутқ боғланмаган, у нутқ феълларини рад этади. Майл ва замон шакллари маълум бир қоидаларга амал қилмасдан қўлланилади.

Ишонамизки, бирон-бир матн устидаги иш вақтида интуитив тушуниш ва интерпретация бир-бирига боғланмайди, интерпретация

жараёни интерпретаторнинг субъектив қарашларига боғлиқ бўлиб, индивидуал шаклланади. Бадиий матнларни ҳеч қандай тайёр схемага солиб бўлмайди, чунки улар турли-туман ва такрорланмасдир. Шундай бўлса-да, матн лингвистикасининг йўналиши учун қуйидаги йўлланмани тавсия этиш мумкин. Биз интерпретация жараёнининг боришини намоён этадиган ва аниқлаштирадиган икки иш фазасини афзал билдик. Улар икки интерпретация аспектларини ўз ичига қамраб олади: бадиий ва лингвостилистик. Бунинг учун Luserki-Jaqui макротаҳлил ва микротаҳлил атамаларини истеъмолга киритди [Luserki-Jaqui 2002: 46-47].

Макротаҳлил бадиий аспект бўлиб, қуйидаги аспектларнинг ва унинг матнга таъсирининг аниқлашни ўз ичига олади.

- Муаллиф: ҳаёти ва ижоди ҳақида муҳим маълумотлар.
- Период, ундан матн пайдо бўлган, аниқроқ қилиб айтганда, тарихий, маданий, сиёсий асослар.
- Матн тегишли бўлган адабий (бадиий) оқим.
- Матн жанри.
- Матнни ҳаётий – биографик ва муаллифнинг бошқа асарларига қараб аниқлаш.
- Ёзувчининг услуби (стили) ва бошқалар.

Макротаҳлил адабиётшуносликка оид билимларни ўзида мужассам этиб, кенг ва тор доирада матннинг композицияси, архитектуронаси ва қисман лисоний – услубий шаклланишига сабаб бўлади. Ҳар ҳолда асосий оғирлик лингвостилистик аспектларга тушади. Бунга биз шартли равишда матннинг композицияси ва архитектуронасини ҳам киритамиз [Beniulienė 2004: 13-14].

Микротаҳлил лингвостилистик аспект бўлиб, диққат билан, синчиклаб ўқишнинг тажрибаси ва натижасига таянади. Бу дегани, киши матннинг қўп марталаб, диққат билан, синчиклаб ўқиши пайтида ҳар доим қайта-қайта, ўқилган ёки ўқиладиган нарсани қандай вазифаларга эга, деган саволни қўяди.

Қуйидаги аспектлар ва унинг вазифаларига, шунингдек, унинг матндаги ўзаро таъсирига кўра аниқлик киритиш мумкин:

Композиция:

➤ Сюжет линиялари, ўзининг замонасига мос ривожланиши (хронологик ифода, турли хил замон жабҳаларининг татбиқ қилиниши ва бошқалар).

➤ Мотивлар.

➤ Характеристика ва бошқалар.

Архитектоника:

➤ Бунга нисбатан ёпиқ қисмларда матннинг бўлиниши, алоҳида қисмлар ўртасидаги боғланиш турлари, матн қурилишида матнни ифодаладиган воситаларнинг роли киради.

Ифодалаш турлари:

➤ Нарса-предметларнинг, жараёнлар ёки ҳолатларнинг тасвирланиши.

➤ Ҳикоя қилиб бериш.

➤ Хабар бериш.

➤ Ойдинлик киритиш.

➤ Ифодалашнинг комбинация турлари.

Нутқни ифодалаш:

➤ Муаллиф нутқи.

➤ Қаҳрамон нутқи.

➤ Жонли нутқ.

Бадий матннинг юқорида тилга олинган компонентлари матннинг бошқа услубий бўёқдорлиги, экспрессивлик ва эмоционаллик каби аспектлари билан узвий боғланган.

Услуб бўёқдорлиги ўзининг адабий нормаларга муносабати ва эмоционал мазмуни орқали ифодаланган вазифавий услубнинг ичида услубий ифода қиймати сифатида аниқлаш мумкин. У морфология, лексика ва синтаксиснинг соҳаларида ифодаланибгина қолмасдан, воқеа-

ходиса рўй берган жой, қаҳрамон ва уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсифлашда ва аниқлашда муҳим рол ўйнайди.

Экспрессивлик. Матннинг экспрессивлиги билан шуғулланиш матн тилшунослигининг энг муҳим жиҳатларидандир. Бунда тегишли услуб воситаларининг вазифалари ва услубий имкониятини аниқлашга, аниқроқ қилиб айтганда, муҳим саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинади: *Қайси сўз қандай боғлиқликда, қайси мақсад ва таъсир кучи (ҳаракат) билан қўлланилади?* Экспрессивлик, яъни тасвир кучи матнга сўз танлашни, аниқроқ қилиб айтганда, экспрессив сўзлар ва тасвирий ифоданинг воситаларини ҳаётада этади.

Сўз танлаш матннинг лексик асосини ташкил қилади. Бунда қуйидаги аспектлар ва унинг берилган матндаги роли ҳақида тўлиқ тўхталиб ўтиш лозимдир.

- Тематик, синонимик қаторлар.
- Контекстга оид синонимлар.
- Архаизмлар (эскирган сўз ва иборалар), хорижий (ажнабий) сўзлар.
- Фанга оид сўзлар, терминология.
- Диалектга оид сўзлар, жаргон сўзлар.
- Сўз яшаш воситалари.
- Оказионализмлар.
- Сўз туркумларининг таъсир имкониятлари.

Тасвирий ифода воситалари қаторига биз нафақат лексик-стилистик, балки синтактик-стилистик воситаларни ҳам киритамиз. Лексик-стилистик воситалар ўз ичига тегишли услуб яратиш учун материал базаси бўлиб хизмат қиладиган, фонетик, морфологик ва лексик воситаларни камраб олади. Бунга қуйидагилар киради:

- Аллитерация (бадий нутқда, шеърда бир хил ёки оҳангдош ундошларнинг қайтарилиши, ёнма-ён, кетма-кет келиши).

- Элизия.
- Экспрессив феъллар.
- Эпитетлар.
- Қиёслашлар.
- Перефразалар.
- Метонимия, метафора, синестезия, синекдоха .
- Литотес, эвфемизм, гипербола, жонлантириш (жонсиз нарса ёки

хайвонларни одам хусусиятларига молик қилиб тасвирлашдан иборат адабий услуб).

- Зевгма, хиазм, оксюморон.
- Аллегория, символ ва бошқалар.

Синтактик-стилистик воситалар қаторига эса синтактик воситалар киради. У матнда урғу беришнинг воситаси сифатида юзага чиқади. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин.

- Навбатма-навбат келадиган сўзлар.
- Такрорий сўзлар.
- Қавс ичида ёзиладиган сўзлар.
- Пролепсис, тўлдириш.
- Антитеза.
- Аппозиция.
- Редупликация, инверсия.
- Ундов гаплар, сўроқ гаплар, риторик саволлар, жараёни тугатиш,

эллипсис ва бошқалар.

Экспрессивликнинг ёритиб беришда бир хил катталиктаги бутун матн экспрессивлигига, матн боғлиқлигидаги ва нутқ ифодалашнинг турли турларидаги стил (услуб) воситаларини таъсирига эътибор қаратиш лозим. Замон шаклларининг танлови матннинг тасвирий ва экспрессив (жонли, ифодали) бўлишига ҳам таъсир этади. Юмор ва сатира воситаларини ҳам эътибордан чиқармаслик керак [Beniuliene 2004: 16].

Эмоционаллик воситаларига эмоционал бўёқдор сўзлар киради. Булар – нутқ феъллари, мавҳум отлар, аниқроғи, ҳолат оти, ҳис-ҳаяжон сўзлар, эркалаш сўзлари, ҳақорат сўзлари, уят сўзлар ва бошқалар.

Бадий матнларда ёзма тил ифодалари устувор бўлади. Матн тилшунослигида ёзма ва оғзаки тил ифодаси ўртасидаги фарқни унутмаслигимиз керак.

Шу билан бирга, матн тилшунослигида тез-тез учраб турадиган хато, яъни мазмун ва шаклни бир-биридан ажратилган ҳолда таҳлил қилишдир. Аммо лингвостилистик таҳлил ҳамма аспектларни бутунлигича кўрсатиши керак. Яъни:

Муаллиф **нима** демоқчи? = Композиция, архитектоника.

Муаллиф уни **қандай** айтмоқчи? = Ифодалаш тури, нутқ ифодалаш тури, услуби, экспрессивлик, эмоционаллик.

Муаллиф уни **нима учун** айтмоқчи? = Коммуникатив-стилистик таъсир этиш.

Бу каби интерпретацияни алоҳида матн қисмларининг интерпретациясига ҳам, ҳаттоки гапларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Немис тили ифода воситалари ва имкониятларига бой бўлишига қарамасдан, ҳеч қайси матн санаб ўтилган матн хусусиятларига тўғри келавермайди. Ўрганувчиларга берилган матн учун ўзига хос матн хусусиятларининг орасидан ажратиб олишни ва уларни матн тилшунослигининг асосий базаси сифатида қўллашни етказиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Интерпретация босқичларининг тартиби эркин. Муҳими шуки, интерпретатор лисоний-стилистик сўз бойликларини ва унинг қўлланишини, шунингдек, боғлиқлиги ва вазифаларини яхлит ҳолда тушунади.

Матн тилшунослигининг муҳим ва асосий талаби интерпретаторда филологияга оид билимларнинг мавжуд бўлишлигидадир. У барча сўзлаш кўникмаларини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Бундан ташқари, унда адабиётшунослик, стилистика, лексикология, матн тилшунослиги,

мамлакатшунослик ва бошқа соҳаларда назарий билимга ҳам эга бўлиши талаб этилади. Матннинг коммуникатив-эстетик таъсир этиши кишининг интеллектига, маълумотига, ёшига, ҳис-туйғуларига, шунингдек, тажрибасига ва бошқа субъектив омилларига боғлиқ.

Матн тилшунослигининг асосий мақсадларидан бири лингвистик-стилистик элементларнинг ва уларнинг бадиий матнлардаги коммуникатив-эстетик вазифаларининг ўзаро таъсир этиши учун назарий ва амалий талабларини эгаллашдир. Матн тилшунослиги чет тили сифатида ўрганиладиган немис тили фанининг назарий ва амалиёт сифатида қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

О сўз бойлигини доимий кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ўқувчининг гапириш ва ёзиш кўникмаларини яхшилиб бориш;

О лисоний ифода шакллари чукурроқ тушунишни, шунингдек, тил ва адабиёт ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш;

О ўқувчи алоҳида ҳар бир муаллифнинг индивидуал услубини бир қарашда таниб олиш, қиёслаш ва тушунтириб беришни ўрганиши лозим;

О матнга нисбатан танқидий ёндашув салоҳиятини ва матнни ўқув материали сифатида ривожлантириш лозим;

О эстетик бадиий маданият учун тамал тоши қўйиш лозим.

Кўпчилик тилшунослар матн таҳлили ва матн интерпретациясини бир-биридан ажратиб талқин қилишади. Матн таҳлилини матнни таниш, билиш деб, матн интерпретациясини эса матнни тушуниш деб, англаймиз. Таҳлил алоҳида-алоҳида омилларга боғлиқ ҳолда предметнинг ва унинг мазмунининг систематик тадқиқи демакдир. Матн таҳлилида энг аввало матннинг мазмун, шакл ва фақат қисман стилистик компонентлари бўйича тасаввурга эга бўлиш мумкин. Интерпретация эса борини тўкиб солиш, тушунтириб бериш, аниқлик киритиш демакдир. Матн интерпретациясида мазмун ва шаклнинг ўзаро таъсири ҳамда уларнинг матндаги коммуникатив-эстетик вазифасини аниқлашга ҳаракат қилади.

Ҳар бир адабий жанр ўзига хос муҳим интерпретация хусусиятларига эга. Бу хусусиятлар матн тилшунослигида муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Рус тилшунослигида матн назариясига оид мулоҳазалар

Матн тушунчасига тавсиф беришда рус тилшунос олимларининг ҳам фикрлари яқдил эмас. Баъзи тилшунослар нутқнинг фақат ёзма шаклини матн деб ҳисоблайди.

Жумладан, рус тилшуноси Л.М. Лосева “матн” тушунчасига таъриф берар экан, аввало, барча матнлар учун хос бўлган белгиларни ҳисобга олишни таъкидлайди. Бу белгиларнинг биринчи этиб, матннинг ёзма шаклда бўлишини қайд этган.

Бундан ташқари, бошқа бир рус олими И.Р. Гальперин ҳам ёзма ҳужжат тарзида реаллашадиган тугалланганликни матннинг онтологик ва функционал белгиларини намоён этадиган етакчи жиҳатлардан бири сифатида алоҳида таъкидлаб ўтган [Каримова 2015: 1-сон, 48]. Аммо сўнгги тадқиқотлардан маълум бўлаяптики, матн нафақат ёзма, балки оғзаки бўлиши ҳам мумкин экан.

Шу билан бирга, З.Я. Тураева матнни матн тилшунослиги предмети сифатида қайд этиб, матнни оғзаки ва ёзма нутқ маҳсули эканлигини таъкидлаб ўтади. У И.Р.Гальперин томонидан илгари сурилган фикрларни маъқуллайди ва қуйидагиларни ёзади: “Агар оғзаки нутққа товушлар орқали намоён бўлиш хос бўлса, матн учун график гавдаланиш характерлидир. Агар оғзаки нутқни бир йўналишлилик (“линейность”) фарқлаб турса, матнга кўп ўлчовлилик хосдир. Оғзаки нутқ бир йўналишлидир, чунки у фақат товуш орқали ифодаланади. Ёзув (график ёки магнит тасмасидаги) унинг сифатини ўзгартиради. Шундай қилиб, оғзаки нутқ қайтишсиздир, яъни айтилдими, унинг бирор парчасига қайтиш мумкин эмас. Матн кўп ўлчовлидир, чунки унинг исталган бўлагига кўп марта қайтиш мумкин. Агар нутқ ҳаракат, жараён бўлса, матн

иккиёқлама табиатга эга, яъни у ҳам тинч ҳолатда, ҳам ҳаракатда бўла олади. Агар нутқнинг замонда мавжудлиги шу нутқнинг талаффуз вақти билан чегараланган бўлса, матннинг мавжудлиги амалий жиҳатдан ҳеч нарса билан чегараланмаган” [Тураева 1986: 12].

Демак, бу борадаги фикрлар жуда баҳсталабдир. Зероки, кишилар ўртасидаги алоқа, яъни коммуникация жараёни матнлар воситасида вужудга келади. Бу матнни фақат ёзма шакл билан ифодалаб улгурган мавжуд матн назарияси қонуниятларига мутлақо зиддир. Зотан, “кишилар ўртасидаги ҳар қандай коммуникация фақат ёзма шаклда амалга ошишини тасаввур этиб бўлмайди” [Каримова 2015: 1-сон, 48].

Демак, матн ҳам лисоний бирлик, ҳам нутқий бирлик деган хулосага келиш мумкин.

Тарту-Москва семиотика мактаби вакили Р.Д.Тименчик матн тушунчасига таъриф бераркан: “Бизнинг ҳаётимиз матн бўлмаса, унда нима?” [Тименчик 1994: 301], деган саволни кўндаланг қўйган эди. Бу, шубҳасиз, матн объектив воқеликда, реал ҳаётдаги мавжуд барча нарсаларнинг умумий йиғиндиси, мажмуаси эканлигини тасдиқлаб беради.

Бу атама нафақат тилшуносликда, балки адабиётшунослик, эстетика, семиотика, маданиятшунослик, матншунослик, фалсафа каби фаннинг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Бу борада рус адабиётшуноси Ю.М.Лотман қуйидагиларни айтган эди, матн “шубҳасиз, гуманитар туркумга кирувчи фанларда энг кўп қўлланиладиган атамалардан биридир. Фаннинг тадрижий ривожини турли даврларда юзага шундай бир сўзларни чиқарадики, уларнинг илмий матнлардаги такрорланиш даражаси зарур бўлган бир маънолилиги йўқолиши билан вобаста кечади. Мазкур сўзлар атамашунослик жиҳатидан илмий тушунчани аниқ белгилабгина қолмасдан, балки муаммонинг ўта долзарблиги хусусида дарак беради, янги илмий ғоялар вужудга келувчи соҳани аниқ кўрсатиб беради” (Лотман Ю.М. Избранные статьи: В 3 т. Т. 1. С. 148) [Холбеков 2014: 107].

Адабиётшунослик нуқтаи назари билан қараладиган бўлса, матн бадиий асарнинг лисоний ва нутқий ифодаси бўлиб, унда предмет ва образ ҳамда ғоявий-маъновий жиҳатлар алоҳида ажралиб туради. Шу маънода Ю.М.Лотман, жумладан, шундай ёзади: “Матн ва бадиий асар – бир хил нарса дегувчи фикрдан қатъиян воз кечиш лозим. Матн – бу бадиий асарнинг таркибий қисмларидан бири <...> бадиий таассурот, умуман олганда, матнни ҳаётий ва ғоявий эстетик тасаввурларнинг мураккаб комплекси билан қиёслагандагина вужудга келиши мумкин” [Лотман 1996: 24-25].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, “матн” атамаси фаннинг энг ёш соҳаларидан ҳисобланган матн тилшунослиги ва матншуносликнинг ҳам асосий предметидир. Фаннинг бу соҳалари доирасида матнларнинг яратилиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари, яратилиш санаси, асарни нашр эттириш тамойилларини аниқлаш, матннинг бир нечта варианты бўлган тақдирда, матнни алоҳида ажратиш каби муаммоларни ҳал этиш жиҳатидан чуқур ўрганади ва кенг кўламда тадқиқ этади.

Энди қисқача матн структураси тушунчасига тўхталиб ўтамыз.

Матн структураси тушунчаси тилшунослик ва адабиётшунослик соҳаларида кенг қўлланиб, филологиянинг асосий тушунчаларидан ҳисобланади.

Тилшуносликда структура атамаси тил бирликларини, сатҳларини ифодалашда ишлатилади. Масалан, *сўзнинг товуш структураси, морфема структураси, гап структураси, матн структураси, лексик, морфологик ва синтактик структуралар*. Шу билан бирга, *нутқий фаолият структураси, жанр ва стилистикага оид структураси, тил структураси* ҳам мавжуд. Ўз-ўзидан аёнки, шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, фанда тил ва унинг бирликларини ўрганувчи махсус структур тилшунослик предмети ажралиб чиқди. Унда тил белгилари системаси, тил элементлари ўртасидаги муносабатлар мажмуи ўрганилади.

Бу атама адабиётшуносликда ҳам татбиқ этилган бўлиб, у ўтган даврда шаклланган ва ҳозирги замонда шаклланиб келаётган маданиятнинг маҳсули бўлмиш бадиий тафаккурни аниқлаш, таърифлаш ва тавсифлашга қаратилган. Бу жараёнда матндаги мавжуд алоқалар аниқланади, парчанинг матн билан, матннинг матн системаси билан ўзаро муносабати таҳлил этилади. Бу ҳақда рус адабиётшуноси В.С.Баевский шундай дейди: “Бадиий асар структураси – бу ўзига хос ноёб “тузилма”, бадиий матн элементларининг ўзаро муносабати, бинобарин, улардан биттасининг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига ҳам олиб келади” [Баевский 1987: 426-427].

Бундан англашиладики, матн структурасига матн мазмуни, мўайянлик, қатъийлик, бўлақларга бўлиш ва яхлитлик хос экан. Матн таркибининг ўзаро боғланишига кўра, оддий, мураккаб, ўта мураккаб матнларга бўлинади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, матн ички ва ташқи структурага ҳам эга. Бундан ташқари, матннинг қуйидаги структуралари ҳам мавжуд.

- Морфологик, синтактик, лексик, сўз ясовчи.
- Ассоциатив.
- Мантиқий.
- Композицион.
- Концептуал ва ҳ.

Шунингдек, ушбу параграфда рус тили материалларида матн назариясининг, жумладан, интерматн тушунчасининг берилишига ҳам тўхталамиз.

Интерматн – бу XX аср тилшунослигида ҳар томонлама ўрганилган, айти пайтда тадқиқот марказида бўлган, чуқур ва кенг таҳлил жараёнида ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган тушунчадир.

Сўнгги йилларда тилшуносликда олиб борилган лингвистик тадқиқотларга кўра, интерматнлик ҳар қандай матнга хосдир. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, интерматн ва

интерматнлик тушунчалари, ўз ўрнида уларнинг гетерогени таркибидан, ҳар хил матн турларидан ташкил топганлигидан далолат беради. Матн шу каби бошқа матнлар билан, улар билан ўзаро таъсир, ўзаро боғлиқлик, ўзаро алмашинув, ўзаро бойитиш, бир-бирига сингиб кетишда муносабатга киришади.

Тилшуносликнинг муҳим аспектларидан бўлмиш, сўз ва матн ўртасидаги фарқ шундаки, сўз - бу тил бирлиги, матн эса коммуникация бирлиги ҳисобланади. Сўз маълум бир маънони англатса, матн эса маълум бир мазмун касб этади. Матнларни ўқиш жараёнида сўзлар маъносидан қанчалик кўп мазмун кашф этиб, матнни идрок қила бошласа, инсон тафаккури шунчалик бойиб бораверади. Шу ўринда у фикри диққатга сазовор: матннинг “у ёки бу йўсинда кишилар маънавиятига, одоб-ахлоқига, феъл-атвориға, хатти-ҳаракатларига таъсир этиш” вазифаси ҳам мавжуд. Шу билан бирга, матн нафақат ўқувчига балки муаллифнинг ўзига ҳам бевосита таъсир кўрсатади, яъни вақтлар ўтиши билан муаллиф ҳам ўзи яратган матнга мурожаат этиши ва худди матн ўқувчиси каби ўқувчига айланиши мумкин. Шу ўринда Л.Витгенштейннинг тилга берган таърифини келтириш жоиз: “Тил - бу чигаллашган йўллар чизмаси. Бир тарафдан яқинлашганинда, унинг чиқиш йўли қаердалигини аниқ билган бўласан. Ўша жойга бошқа тарафдан яқинлашганинда эса, чиқиш йўли қаердалигини энди умуман билмай адашиб қоласан”. У ўз фикрини давом эттириб, қуйидагиларни таъкидлайди: матнни, “кўхна шаҳарнинг эгри-бугри, чалкаш тор кўча ва майдонлари, эски ва янги уйлар, турли даврларга мансуб иморат ва биноларга ўхшатасан, уларнинг ҳаммаси батартиб жойлашган, тўғри ва равон кўча ҳамда стандарт кўп қаватли уйлар қурилган янги даҳалар билан қуршаб олинган” [Витгенштейн 2005: 144].

Тилшуносликда интерматн концепцияси матн бирлиги, яхлитлиги ва муайян системага асосланган, деган қарашларни йўққа чиқаради. Интерматнда матн чегаралари бўлмайди, бўлса ҳам кенгаяди, матн

структурасини маълум маънода соддалаштиради, маъно ва мазмунини ўзгарувчан қилади. Интерматн ҳақида гап борар экан, интерматн ва интерматнлик тушунчасига таъриф берган рус тилшуноси Н.Н.Белозёрованинг “Интегратив поэтика” (1999) китобидан қуйидагиларни келтириш мумкин: “Интерматнлик, эҳтимол, бадиий матнни тавсифлаш учун асосий омилдир: шундай бир ўзаро алоқа ва муносабатлар, шарт-шароитлар ва тахминлар, фараз ва назариялар борки, улар асосида матнга хос бўлган хусусиятлар аниқланади. Муҳокамадан ўтаётган матн ва бошқа матнлар ўртасида алоқа ва муносабатларни аниқлаш учун қўлланадиган атамалар мажмуи бевосита адабиётшуносликка ёхуд тилшуносликка тегишли бўлиши мумкин, бироқ улар орасида “интерматн” атамаси ҳаммасидан кўра аниқроқдир” [Белозёрова 1999: 208].

Ю.М.Лотман эса, интерматнлик “матн ичидаги матн” деган хулосага келган [Лотман 1998: 14-28]. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “интерматнлик” атамаси XX асрнинг 60-йилларида адабиётшунослик парадигмалари тизимида кечган ўзгаришлар устида олиб борилган тадқиқотлар доирасида вужудга келган экан.

Интерматн адабиётшунослик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, бадиий матннинг ягона тузилиши ва асосий шакли ҳисобланади. Юқорида кўриб чиққанимиз каби, “интерматн” ва “интерматнлик” атамалари 1967 йил Ю.Кристеванинг “Бахтин, сўз, диалог ва роман” мақоласида илк бор қўлланган.

Демак, ҳар қандай матн бу интерматндир. Интерматнда турли сатҳларда таниш ва нотаниш шакллар мавжуд бўлиб, улар ўтган давр маданияти ва ҳозирги замон маданияти матнларидаги эски ҳаволалардан янги тўқилган матн ҳосил бўлади. Интерматнлик нуқтаи назаридан олиб қараганда, дунё улкан бир матндек намоён бўлади, унда барча нарсалар қачонлардир айтиб бўлинган, янги нарса эса – фақат муайян элементлар

айрим комбинацияларда қоришгандагина намоён бўлиши мумкин [Ильин 2001: 103].

Рус файласуфи ва филологи М.Б.Ямпольскийнинг таъкидлашича, интерматнлик назарияси уч манбага, Ю.Н.Тыняновнинг пародияга бағишланган тадқиқотлари, М.М.Бахтиннинг полифония (кўп овозлилик) концепцияси ҳамда структур тилшунослик асосчиси Ф.де Соссюрнинг анаграммалар назариясига асосланади [Ямпольский 1993: 31].

Шунингдек, тилшунос Ю.Н.Тынянов интерматнлик назариясини ўрганишда пародия жанрига мурожаат қилган. У пародияда бадий тизилмаларнинг янгилашни олдинги матн трансформация (бир шаклдан бошқа шаклга ўтказиш, ўзгартириш) сига асосланган деган тахминни илгари суради. Пародияда матн икки хил кўринишда намоён бўлади, яъни бир матн орасида олдинги матн яққол кўзга ташланиб туради. Шу аснода у, интерматнликни икки турга, яъни стилизация (бирор услубга солиш, келтириш ёки унга монанд, ўхшатиб асар яратиш) ва пародия (ҳазил ёки ҳажвий тарзида бошқа асарга тақлидан ёзилган асар) ларга бўлади. Муаллиф интерматн ва интерматнликларни тадқиқ қила туриб, юқоридаги фикрларни исботлаб, шуларни ёзади: “Стилизация пародияга жуда яқин. Бироқ улар ҳам икки хил кўринишда намоён бўлади, битта асарнинг кўриниши ортида бошқа асарнинг кўриниши, аниқроғи, унинг услубига солинган ёки унга ўхшатиб ёзилган, ёхуд тақлидий кўриниши (шакли) турибди. Лекин пародияда ушбу кўринишнинг уйғунсизлиги, бир-бирига боғланиш йўқлиги, номувофиқлиги, жойдан кўзғалиши, бир-бирини марказдан суриб туриши шарт, трагедияга нисбатан ёзилган пародия (фожеавийликка алоҳида урғу бериш ёхуд шунга мос кулгиликка алмаштириш орқалими, йўқми – бунинг фарқи йўқ), хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, барибир комедияга айланади ва, аксинча, комедияга нисбатан ёзилган пародия – трагедияга айланиши турган гап” [Тынянов 1977: 201].

Демак, пародияда уйғунлик, ўзаро боғланиш йўқлиги туфайли тақлидий матнда катта семантик ўзгаришлар юз беради. Натижада янги маъно касб этиш ҳодисаси рўй беради. Бу ҳодиса бир матннинг бошқа матнга алмашиши, жойини ўзгартириб беришини англатади. Бундан ташқари, у пародия назариясига асосланиб, матн структурасининг “конструктив вазифа” борасидаги ғояни илгари суради, яъни яхлит система сифатида олинган бадиий асарнинг ҳар бир элементи ўртасидаги боғланишни, ўзаро муносабатни ушбу элементнинг конструктив вазифаси деб номлаймиз. Разм солиб қараганда, бундай вазифа – мураккаб тушунча эканлиги маълум бўлади. Муайян элемент бирданига бошқаси билан боғланади: бир томондан, бошқа асар (система) нинг ўзига ўхшаш элементи билан, иккинчи томондан, шу асарнинг бошқа элементлари билан муносабатдош бўлади.

Бу борада М.М.Бахтин ўз матн полифония (кўп овозлилик) си назариясини, яъни матннинг диалог асосида қурилиши концепциясини ишлаб чиқиб, ўз фикрини қуйидаги сўзлари билан ифодалайди: “Матн ўзига хос монада (бирлик) сифатида муайян маъно-мазмун доирасидаги барча матнларни ўзида акс эттиради. Барча маъно-мазмунлар фикр орқали намоён бўларкан, улар ўртасидаги ўзаро алоқа матнда акс этади. Матнлар ўртасидаги ва матн ичидаги диалог асосида қурилган муносабатлар ҳам матнда ўз аксини топади” [Холбеков 2014: 124]. Бундан аёнки, Ю.Н.Тынянов ва М.М.Бахтин фикрлари ўртасида муайян тафовут мавжуд.

М.М.Бахтин ўз концепциясида матн тушунчаси ҳақидаги фикрларини қуйидагича исботлайди: “Бадиий тафаккур ривожланиши – бу ҳар доим ўзига хос диалог олиб бориш, таъбир жоиз бўлса, уни қайд қилиб боришдир. Бу матн (чуқур ўрганиб чиқиш ва теран ўйлаб кўриш предмети) ва ўқиш жараёнида юзага келувчи ва матнни “ўраб олувчи” тагматн ўртасидаги мураккаб муносабат бўлиб, унда ижодкорнинг дунёни билишга ва баҳолашга оид фикри ўз аксини топади. Бу икки, яъни тайёр матн ва ўқиш жараёнида яратиладиган, дунёни кашф этувчи матннинг учрашуви,

икки субъект, икки муаллифнинг учрашувидир. Матн – нарсас эмас, шу боис ўқувчининг, идрок қилувчининг шуурий ва ғайришуурий реакциясини ҳисобга олмаслик ёки уни бартараф қилиш мумкин эмас” [Холбеков 2014: 124].

Кўринадики, матн – нарсас эмас, матнни худди маъно ва мазмунларнинг майдони каби тасаввур этиш мумкин. Матнга муаллиф томонидан киритилган хусусият, ўқувчи томонидан олиб борилган диалог жараёнида киритилган хусусият ҳосдир, яъни ўқувчи муайян матнни ўз дунёқараши, дунёвий билимлари асосида ўлчайди, баҳолайди ва тушунади. Бунинг натижасида ўқувчи матннинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифига айланади. Аксинча, анъанавий адабиётшуносликда, аввало, муаллифга юксак эҳтиром кўрсатилади. Агар матнни маъно ва мазмунлар ўз ифодасини топадиган майдон, унда муаллиф фикри ва ўқувчи фикри кесишади, деб тасаввур қилинса, у ҳолда, М.М.Бахтин фикрича, бу майдонда биронта камчилик бўлмайди. Демак, ўқувчининг матн устидаги меҳнати билан, муаллифнинг матн устидаги меҳнати билан бир хил, яъни деярли тенг бўлади. Сабаби иккиси ҳам матн устида фикр юргизиш, мушоҳада қилиш, кенг ва чуқур ўйлашни тақозо этади. Матн ўқиш жараёнида юзага чиқади ва уни фикр, ҳис-туйғу, тасаввур, тушунча, таассуротларнинг ҳамоҳанглигида матн ичига сингиб кетади.

Интерматнлик назариясининг учинчиси Ф.де Соссюрнинг анаграммаларга оид қарашларидир. Бунга мувофиқ у қадимий тиллар поэтикасида “шеърларни “анаграмма” усулида тузишнинг тамойили” ни кашф қилди. Бу тамойилга кўра, ҳар бир шеъринг матн асосий сўзнинг товушли таркибига қараб яратилади. Бунда матннинг шундай сўзлари танлаб олинадик, уларда асосий сўзнинг товушлари мос келиши ва тартиб билан такрорланиши лозим. Унинг назариясига кўра, “матнни янгича тушуниш, унга ёндашиш ва нисбатан янги нуқтаи назарларнинг пайдо бўлиши Ф.де Соссюрнинг шубҳаларининг унчалик ҳам катта аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатади, зеро, у кашф этган адабий ҳодиса қандай қилиб

битта матн ичига бошқа матн сингиб кириши, қандай қилиб “зоҳирий”, белгиланмаган элемент матннинг “ботиний”, белгиланган элементларга таъсир кўрсатишнинг аниқ моделини қўлга киритиш имконини берди” [Холбеков 2014: 128].

Анаграммаларда элементларнинг тартиби нафақат горизонтал чизик бўйлаб, балки вертикал чизик бўйлаб ҳаракатланади. Ф.де Соссюр илгари сурган анаграммалар назарияси орқали асосга солинмаган матн, яширин ҳавола, матндаги элементларни тартибга солишини, матнни ўзгартира олиш имконини кўришимиз мумкин. Мазкур назария асосида матн тузилиши, унинг тағмаъносига интерматнлик тушунчасини “киритиш” имконияти вужудга келади.

Ф.де Соссюр анаграммаларни қуйидаги турларга бўлади: анафония, гипограмма, лолограмма ва параграмма. Уларнинг энг сўнгиси, параграмма интерматн назариясида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда Ц.Тодоров шундай ёзади: “Биз бир чизикли эмас, балки жадвал шаклида ташкил этилган ҳамда матнда бадиий нутқ ишлаб чиқилишини тасвирловчи моделни *параграмматик тармоқ*, деб атаймиз. *Тармоқ* атамаси бир хил маъно (бир чизикли) ли матн ўрнида қўлланган бўлиб, ҳар қандай матн, бинобарин, изчил, мантиқий тузилган матн – бу поливалент муносабатларнинг ҳам бошланиши, ҳам якунидир. *Параграмма* атамаси эса ҳар қандай унсур “*ҳаракатланувчи грамма*”, бинобарин “*маъно ифодаловчи*” эмас, балки “*маъно яратувчи*” унсур сифатида намоён бўлишини кўрсатади” [Холбеков 2014: 129].

Юқорида таъкидлаганимиздек, “интерматнлик” тушунчасини илмий истеъмолга Ю.Кристева киритган. Бунга у Ф.де Соссюрнинг бой илмий меросини назарий ўрганиб чиқиб, қайта англади, уни таҳлил қилди ва таснифлаб чиқди. Тадқиқотчи бу ҳақда шундай ёзади: “Поэтика жиҳатдан маъно англатувчи нарса бошқа дискурсив маъноларга шундай ҳавола қилинадики, натижада поэтик ифодада кўплаб дискурсларни ўқиш мумкин бўлади. Натижада поэтика жиҳатдан маъно англатувчи нарса атрофида

шундай бир ранг-баранг ва серқирра матн яратиладики, унинг элементлари бемалол муайян шеърий матнга киритилиши мумкин. Биз бу маконни интерматн деб номлаймиз. <...> Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, поэтика жиҳатидан маъно англатувчи нарса битта кодга мансуб эмаслиги яққол кўринади. У сон-саноксиз (одатда икки) коднинг кесишган нуқтасига айланади, бу кодлар бир-бирини инкор этувчи, бир-бирига қарши позицияда намоён бўлади. Турли-туман ва хилма-хил дискурс, кўп ҳолларда бир-бирига ўхшамас, кескин фарқ қилувчи дискурсларнинг поэтик тилда ўзаро кесишиши ва барбод бўлиши муаммоси Ф.де Соссюр қўллаган параграмма тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, биз шеърий тилнинг фундаментал хусусиятини аниқлай олдик. Уни биз параграмматизм атамаси билан таърифладик. Аниқроғи, параграмматизм бу қўплаб матн (маъно) ларнинг шеърий матнга киритилиши, ягона маъно атрофида тўпланишидир” [Kristeva 1969: 255].

Н.Н.Белозёрова наздида, интерматн – бу матнларнинг асрлар оша ривожланиб келаётган мажмуасидир; бу мажмуа ё идеал, ё виртуал савияда, ё китоб даражасида мавжуд бўлиб, ўзига хос доирани ташкил қилади. Аҳамиятли томони шундаки, доира ичида матнлар яратилиш вақти, ўз жанри, маъно ва мазмун етказиш усули, қўлланиш ёхуд татбиқ қилиниш соҳаси, энг муҳими, тиллар бўйича гуруҳларга ажратилади. Бу мажмуа биринчи интерматн доираси, деб аталади. Н.Н.Белозёрова ишлаб чиққан тизимга кўра, интерматннинг иккинчи доираси – бу онг ва онг ости даражасидаги турғун ва ўзгармас кўплик (доира) кўринишида мавжуд бўлган матнга оид шакл ва категориялар мажмуасидир [Белозёрова 1999: 208].

Шунингдек, немис тилшуноси В.Хейнеманнинг назариясига кўра, “интерматн жиҳатидан бу матн адресанти, яъни юборувчиси ўзига яхши таниш бўлган матн нусхаларидан фойдаланиб, англаган ёки англамаган ҳолда муайян матнларга таянганлиги, эргашганлиги, уларга мослашиб иш тутганлигини англатади” [Холбеков 2014: 131].

Бундан ташқари, интерматнлик икки турга ажратилади: таснифий (грамматикага оид) ва маъновий (семантикага оид).

Грамматика доирасида сўз ўзгариши (турланиш, тусланиш), сўз ясалиши, сўз бирикмалари, гап турлари ўрганилади. Бу ерда асосий эътибор морфология ва синтаксисга қаратилади.

Семантика доирасида эса асосан сўз маънолари ўрганилади. Интерматнликни тадқиқ этишнинг учта йўналиши мавжуд. Булар:

1. Синхрония (тил ҳодисаларининг муайян бир тарихий тараққиёт босқичида бир вақтда ва ўзаро мос равишда мавжуд бўлиши ва ўзаро боғланганлиги) га асосланган тадқиқот, аниқроқ қилиб айтганда, матнларни таққослаш.

2. Диахрония (тарихий тадрижийлик, тил ҳодисаларининг эволюцион ривожланиш жараёни) га асосланган тадқиқот, яъни далил келтириб исботлаш, асослаб бериш модели, турли матнлар модели ва луғавий бирликлар келиб чиқишини аниқлаб, матн яратилиш тарихини ўрганиш.

3. Алоҳида олинган матннинг ҳар тарафлама аниқ тадқиқоти, яъни бошқа матнларнинг муайян тилга оид хусусиятларини аниқлаш, бири-биридан ажратган ҳолда таснифини тузиш [Холбеков 2014: 132].

1.3. Биринчи боб бўйича хулосалар

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, матн билан нафақат стилистика ва риторика фани, балки адабиётшунослик ва, шунингдек, маданият антропологияси предмети ҳам шуғулланади.

Маданият антропологияси фани ўзга маданиятлардаги матнларнинг тадқиқи билан шуғулланади.

Бизнингча, матн, аниқроғи, матншунослик ёки бўлмаса, матн тилшунослиги стилистика билан энг яқин алоқада, деб ҳисоблаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, матн тилшунослиги ва стилистика предметлари ўртасида қандайдир яқинлик мавжуд, яъни матн

тилшунослиги стилистика билан умумий характерга эга; бу икки фаннинг тадқиқ объекти матн бўлиб ҳисобланади. Фаннинг бу иккала соҳаси ҳам матннинг таҳлили билан шуғулланади. Матн тилшунослигида “*Нима матнни матнга айлантиради?*” деган савол тадқиқотнинг марказида турса, стилистика эса услуб хусусиятларининг рецепторларга ўзига хос таъсирларини ўрганади ва “*Матн нима учун бунақа шаклланган?*” деган саволга жавоб ахтаради.

Хуллас, матн композицияси матннинг (ички) мазмунан шаклланишини англатади.

Демак, ҳар бир матн ички ва ташқи структураларга эга бўлади. Улар илмий тил нуқтаи назаридан композиция ва архитектоника, деб аталади ва улар ўзаро таъсир этади.

Матннинг умумий композицияси қуйидаги аспектлардан иборат:

1. Матн қандай материаллар асосида қурилган: матн мотивлари, ғоялари, тематик ғоялари ва характер жиҳатлари.
2. У қандай ифодалаш тури орқали ифодаланган: тасвирлаш, ҳикоя қилиб бериш, хабар бериш.

Архитектоника тор маънода матннинг ташқи формал шаклланишини ўзида мужассам этади. Унинг бирликларига қуйидагиларни киритиш мумкин: абзацлар, капиталлар, парчалар, сахналар, тугалланган қисмлар ва бошқалар.

Матнни интерпретация қилишда, биринчи навбатда, коммуникатив соҳани аниқлаб олиш лозим бўлади. Бу соҳаларнинг услублари коммуникатив вазифасига кўра, кундалик тил услуби, давлат тил услуби, илмий тил услуби, публицистик тил услуби ва бадиий тил услубларига бўлинади. Ҳар бир соҳа ўзининг характеристик услуб принципларини намоён этади.

Бу борада рус германисти Е. Riesel функционал стилни бешга бўлади:

1. Ижтимоий-коммуникатив услуб.
2. Илм-фан услуби.

3. Матбуот услуги.

4. Кундалик муомала услуги.

5. Бадиий адабиёт услуги [Riesel/Schendels 1975: 14-27].

Демак, юқоридагилардан кўринадик, “гиперматн концепцияси – бу, биринчи навбатда, матннинг бир чизиқлигини, изчиллигини, қолаверса, тадрижийлигини енгиб чиқишдир. Гиперматн тузилиши энг аввал, муайян билимнинг муайян технология воситасида ёзма ёки электрон шаклда ёзиб олинган ўзаро боғланган фрагментларидан иборат. Тузилишнинг изчил тартиби йўқ тасодифий парчалардан иборат қоришмаси тафаккурнинг аралаш-қуралаш йиғиндисини тақозо этади, бу эса, ўз навбатида, матнларда ўз аксини топади. Тафаккур, шунинг баробарида матн – бу ғояларнинг мураккаб тизимидир. Ҳар бир инсон ўзгача ўйлайди, фикр юритади, шунинг учун ўзгача ўқиш, мутолаа қилиш, тушуниш ва англашга ҳақли [Холбеков 2014: 135].

Хуллас, маданиятнинг тадрижий ривожланиши матннинг тадрижий ривожланиши билан узвий равишда боғланган. Бунинг натижасида, интерматн, ўз структурасини ривожлантириб, такомиллаштириб, гиперматнга айланади.

II БОБ. МАТННИНГ ФУНКЦИОНАЛ КЎРИНИШЛАРИ

2.1. Қўшма гап – период – матн

Тилшуносликда, жумладан, немис тилшунослигида илгари матн намунаси (Textmuster) ва матн тури (Textsorte) атамалари синоним тарзида қўлланилган. Бугунги кунда эса бу тушунчалар алоҳида-алоҳида маъно, моҳият касб этмокда. Матн тури тушунчасида унинг классификация қилиниши пайтидаги фарқлаш жараёнига диққат-эътибор қаратилса, матн намунаси атамасида эса матн шакллариининг фаоллаштириш ва қайта таний олиш (била олиш) жараёнига эътибор қаратилади.

Heineman матн тури ва матн намунаси тушунчаларини бир-биридан фарқлайди. У матн намунасини “матнга қаратилган рухий салоҳиятлар (потенциал)” ва матн турларини “мавҳум технологик схемалар” сифатида тушунтиради [Heinemann 1990: 12]. Heinemann ва Viehweger ларнинг фикрича, кенг қамровли “матн намунаси” атамаси замирида маълум маънода акс таъсир этадиган томонлар ўртасидаги муносабатни ифодаладиган матннинг маълум бир шаклининг қисқартирилиши, ихчамлаштирилиши, деб тушунмоқ лозим [Heinemann / Viehweger 1991: 170]. Матн намуналарига қуйидагиларни киритиш мумкин: телеграмма, таъзиянома, диплом иши, ошпаз рецепти, (ёзма) ариза ва бошқалар.

Матн турларини коммуникация соҳасидаги аҳамиятига кўра иерархик тартиблаш мумкин. Матн тури атамаси тез-тез матн типи атамаси билан биргаликда тилга олиниб туради. Матн турларини аниқлашнинг асосий мезони - матн вазифаси ҳисобланади. Große га кўра, матн вазифаси “лисоний ифода орқали етказиладиган, рецепторга қаратилган йўлланма бўлиб, у қандай матнни тушуниш кераклигини англатади” [Brinker 2000: 127].

Brinker нинг фикрича эса, у матнда анъанавий ҳисобланган воситалар билан рўёбга чиққан матн яратувчисининг коммуникатив

мақсади, муддаосидир [Brinker 2000: 127]. Brinker ўзининг матн вазифаси назариясига асосланиб, матн турларини 5 га бўлади:

1) Информатив матнлар (Informationstexte) (*хабар, ахборот, илмий-оммабон китоб, тақриз ва бошқалар*).

2) Чакирув матнлар (Appelltexte) (*эълонлар, комментариялар, қонун, ариза ва бошқалар*).

3) Зарурий матнлар (Obligationstexte) (*шартнома, гарантия талони, қасамёд қилиш ва бошқалар*).

4) Алоқа матнлар (Kontakttexte) (*миннатдорчилик хати, таъзия изҳор қилиш хати, открытка ва бошқалар*).

5) Байрамона, мақтов матнлар (Deklarationstexte) (*тестамент, фахрий ёрлиқ, дипломлар ва бошқалар*).

Одатда маъруза, нутқ, хат, баённома, билдиришнома, ариза, тушунтириш хати, далолатнома, телеграмма, роман, повесть, ҳикоя, шеър, абзац, боб, параграф кабилар матннинг кўринишларидир.

Айни пайтда илмий иш доирасида матннинг гапга ва периодга муносабати атрофлича ўрганиб чиқилиб, улар ўртасидаги фарқли ва ўхшаш томонлари аниқланган.

Қадим-қадимдан кишилар ўз нутқларининг мукаммал бўлишига доимий равишда эътибор қилиб келишган. Бу борада улар тилнинг турли бирликларидан фойдаланиб, нутқнинг равон бўлишига интилишган.

Шу маънода сарлавҳага чиқарилган ҳар учала тушунча ҳам ҳозирги тилшуносликнинг долзарб муаммолари сирасига киради. Хусусан, период тилшуносликда синтактик бирлик сифатида азалдан мутахассислар томонидан қизиқишга сабаб бўлиб келмоқда. Чунончи, Аристотелнинг фикрича, “период ўзида тугал фикрни мужассам этиши лозим бўлган тил бирлигидир” (Античные теории языка и стиля. -М. -Л., 1936: 141) [Сат 2010: 81].

Период таркибидаги мантикий гапларнинг сифатига қараб, М.В.Ломоносов периодларни бир бўлакли, икки бўлакли, уч бўлакли, тўрт

бўлакли ва ҳоказоларга бўлади (Античные теории языка и стиля 1936: 165) [Сат 2010: 81].

Олимнинг таъбирига кўра, биргина “мантикий гап”дан иборат бўлган бир бўлакли периодлар: 1) бир эга ва бир кесим, 2) кўплаб эга ва бир кесим, 3) бир эга ва кўплаб кесим, 4) кўпгина эга ва кесимдан ташкил топиши мумкин [Сат 2010: 81].

М.В.Ломоносов нафақат бир неча гапдан ташкил топган бирикмани, шунингдек, “оддий ғоялар йиғиндисидан иборат бўлган” биргина гапни ҳам период, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, унингча, риторик планда олинган ҳар қандай гап период бўла олади [Сат 2010: 82].

А.Х.Востоковнинг қарашига ҳам фикрни ифодалаш периодга хос хусусиятдир; у “камида икки бош гапдан, яъни содда ёки қўшма гапдан, ёки боғловчилар билан бириккан бир неча шундай гаплардан ташкил топиши мумкин”, деб уқтиради. Востоков ҳам, Ломоносов сингари, периодларни ўз таркибига кирган гапларнинг сонига қараб икки бўлакли, уч бўлакли ва тўрт бўлаклиларга бўлади, бироқ “период неча бўлакли бўлишидан қатъи назар икки қисмга бўлиниб, улардан иккинчи қисмида биринчи қисмида айтилган фикрнинг исботи, изоҳи ёки натижаси ўз ифодасини топган бўлади”, дейди (Востоков А.Х. Русская грамматика. – СП б., 1874:73) [Сат 2010: 83]. Шу маънода период, унинг қисм ва бўлаклари маъно ва интонацион жиҳатдан шаклланган бўлади (Востоков 1874:74) [Сат 2010: 83].

“Прозодик период” айна вақтда фразали урғу ёрдамида бир бутун яхлитликка келган сўзларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан ташкил топган бирикмасидир. Демак, Востоковнинг фикрига кўра, “прозодик период” – бу интонацион ва маъно жиҳатдан бирлашган сўзлар гуруҳи [Сат 2010: 84].

Периодни ўрганиш тарихига яна назар ташлайдиган бўлсак, “период” категорияси XVIII аср охири ва XIX аср грамматикаси, риторикаси ва сўз назарияси учун асосий категориялардан бири

ҳисобланган бўлиб, ўша даврнинг риторикасига оид барча дарсликларида бунга муайян даражада эътибор қаратилган.

Айни пайтда грамматик нуқтаи назардан периодга турлича ёндашилади. Айрим тадқиқотлар учун, шу жумладан, М.В.Ломоносов учун ҳам грамматик жиҳатдан ҳар қандай гап период бўла олади. Амвросий, Г.Гальяр, Н.Курганов, П.Модрю, В.С.Подшивалов, И.Рижскийлар ҳам шу фикр тарафдорларидир. Бошқа манбаларда эса период – бу содда ёйиқ ва қўшма гап [И.Борн, А.Галич, Н.Ф.Кошанский, Ф.Малиновский, А.Могилевский, А.Р.Мочульский, А.Померанцев, М.Талызин, Я.Толмачев, И.Б.Хлебникова]. Муаллифларнинг бир қисми периодни эргашган қўшма гап сифатида талқин қилади [Н.А.Эрнест, Л.Г.Якоб]. Баъзида период бир неча гапдан ташкил топган бирлик, деб ҳам ҳисобланади [Д.Батте, Н.И.Греч, А.Мерзляков]. Мантикий нуқтаи назар тарафдорлари периодга хулоса тарзида (умозаклучения) қарашади. И.Давидов ўзининг “Чтения о словесности” асарида шундай дейди: “Тушунчалар нутқлар билан, ҳукм гаплар билан, хулоса (умозаклучения) периодлар билан ифодаланади” (Давыдов И. Чтения о словесности в 4-х томах. –М., 1837: 88) [Сат 2010: 85]. Таъкидлаш лозимки, лингвистик адабиётда мантикий нуқтаи назар қаттиқ танқидга учради.

XIX асрнинг 60-70 – йилларида қўшма гап муаммосини ўрганишда период масаласига нисбатан ўзгача ёндашиш пайдо бўлди: тадқиқотчилар периоднинг ҳам мантикий томонига, ҳам унинг синтактик қурилиши хусусиятларига катта эътибор қаратишди. Натижада кун тартибига грамматик белгилар асосида периодни гаплардан чегаралаш масаласи қўйила бошлади [Сат 2010:87].

Ушбу масала XX асрда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолди. Чунончи, А.М.Мухин қўшма гап мураккаб синтактик структура сифатида периодни ташкил этади, деб ҳисоблайди [Мухин 1975: 101-109].

А.Б.Шапиронинг фикрича эса, “нафақат қўшма гап, шунингдек, содда гап ҳам период бўла олади”. Бунда “периодни оддий гапдан

фарқлайдиган” хусусиятлар мавжуд бўлади (Шапиро А.Б. О периодический форме речи//Русский язык в школе. – 1951, №1 – С.36) [Сат 2010:89]. Яъни:

“Биринчидан, <...> период бир-бирига тамомила зид бўлган икки қисмдан ташкил топади. Иккинчидан, периоднинг биринчи қисми, ўз навбатида, бир қатор синтактик жиҳатдан уюшиб келган (однородные) яхлит бирликларга бўлинади. Учинчидан, период биринчи қисмининг синтактик бирликлари йиғиндиси ўзининг бойиб борадиган (нарастающим) мазмуни ва ошиб борадиган (нарастающей) интонацияси билан тингловчи ёки ўқувчида иккинчи қисмда кутиладиган натижани келтириб чиқаради. Бунда, албатта, ушбу таранглик (напряжение) нинг ечими келтирилган бўлади. Тўртинчидан, ҳам мазмун, ҳам интонациядаги тарангликнинг ошиб бориш кучи биринчи қисмда қанчалик кўп бўлса, у шунчалик кўп уюшиб келган синтактик бирликларга эга бўлади” [Сат 2010: 88-89].

Немис тилига оид изланишларда ҳам периодга доир фикрлар баён қилинган. Жумладан, Дуден грамматикасида гапни ўрганиш доирасида периодга ҳам қисқача тўхталиб, қуйидагича таъриф берилади: „Einen komplexen Satz mit Satzreihen und Satzgefügen nennt man auch Satzperiode“ [Duden. Grammatik 1999: 26], яъни боғланган қўшма гап ва эргашган қўшма гаплар йиғиндисидан иборат гап гап периоды дейилади.

Проф. В.Г. Адмони қўшма гапни ўргана туриб, бу ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: „Der Satz, selbst der komplizierteste Ganzsatz (Periode), ist in der Regel nur ein Bestandteil des Redestroms und steht in verschiedenartigen Beziehungen mit anderen Ganzsätzen, die zu demselben Redestrom gehören. Der Redestrom kann dabei übrigens nicht nur ein monologischer, sondern auch ein wechselseitiger (dialogischer) sein“ [Admoni 1972: 276]. Демак, бу ерда олим период дейилганда мураккаб яхлит гапни ташкил этадиган қўшма гапни, аниқроғи, эргашган қўшма гапни назарда тутди. Бунда ушбу бутун (яхлит) гап нутқ жараёнининг таркибий қисми

сифатида шу нутқ жараёнига қарашли бошқа бутун гаплар билан турлича муносабатда бўлади. Унингча, фақат эргашган қўшма гап период ҳосил қилишда иштирок этади. Бу билан у матннинг бир турига яқинлашади.

Шу билан бирга адабиётларда периодга янада мукамалроқ берилган таърифлар ҳам учрайди. Масалан: „Als Satzperiode wird ein vielfach zusammengesetzter Satz bezeichnet. Er entsteht durch die Nebenordnung mehrerer Satzgefüge oder durch Unterordnung mehrerer Nebensätze – die einander gleich – oder untergeordnet sein können – unter einen Hauptsatz. In der Satzperiode treten somit die koordinative und die subordinative Art der Verbindung gleichzeitig auf. Die Satzperiode tritt vor allem in literarischer Prosa und in wissenschaftlichen Texten auf“ [Helbig, Buscha 1974: 564-565]. Кўринадикки, кўпгина эргашган қўшма гапларнинг ёнма-ён келиши ёки кўпгина эргаш гапларнинг бир-бирига тобеланиши ёрдамида бош гапга бўйсунishi орқали вужудга келган мураккаблашган қўшма гап гап периодини ташкил қилади. Муаллифлар буни исботлаш учун қуйидаги структурали гапни мисол тариқасида келтиришади:

Ein Tierbändiger wurde eines Abends vor den Augen der Leute, die gekommen waren, um sich die Vorstellung anzusehen, von seinem Löwen, einem Prachtexemplar, angegriffen und so furchtbar zugerichtet, dass er, nachdem man ihn aus den Tatzen des Ungetüms befreit hatte, nur noch einen letzten überaus traurigen Blick auf seine Frau und auf seine Kinder werfen konnte <...> (Robert Walser)

Мазкур период қуйидаги структурадан иборат:

HS _a	<i>Ein Tierbändiger wurde eines Abends vor den Augen der Leute,</i>
NS ₁	<i>die gekommen waren,</i>
NS ₂	<i>um sich die Vorstellung anzusehen,</i>
HS _b	<i>von seinem Löwen,</i>
Appos.	<i>einem Prachtexemplar,</i>
HS _c	<i>angegriffen und so furchtbar zugerichtet,</i>

NS _{1a}	<i>dass er,</i>
NS ₂	<i>nachdem man ihn aus den Taten des Ungetüms befreit hatte,</i>
NS _{1b}	<i>nur noch einen letzten überaus traurigen Blick auf seine Frau und auf seine Kinder werfen konnte <...></i>

Ушбу периодни ҳосил қилган структураларнинг айримлари (бош гап: *von seinem Löwen*; эргаш гап: *dass er*) таркибида феъл кесим иштирок этмаса-да, улар бир-бирига тобеланиш асосида яхлит (бир бутун) гапни, периодни вужудга келтирмоқда, яъни бу структуралар мантиқан бир мақсадга йўналтирилган. Бу ерда мураккаблашган эргашган қўшма гап, айна пайтда периодни ҳосил қилиш билан бирга, матннинг бир кўринишига тенг келмоқда.

Юқоридагилардан аён бўладики, тилшунослар периодни “тугал фикрни мужассам этган” (М.В.Ломоносов), “маъно ва интонацион жиҳатдан шаклланган” (А.Х.Востоков), “мураккаб синтактик структура” (А.М.Мухин), “ҳам мазмун, ҳам интонацион жиҳатдан шаклланиб, муайян натижага эга” (А.Б.Шапиро), “боғланган ва эргашган қўшма гаплар йиғиндисидан иборат гап” (Duden), “мураккаб яхлитликни англатган эргашган қўшма гап” (В.Г.Адмони), “бир неча эргашган қўшма гапларнинг ёнма-ён келиб, бир-бирига тобеланиши ёрдамида бош гапга бўйсунishi” (G.Helbig, J.Buscha), „мазмунан ва интонацион жиҳатдан етарлича тугалланган ва ягона мавзу остида бирлашган“ (Д.Э.Розенталь ва б.) тил бирлиги сифатида талқин қилишади.

Демак, юқоридаги период ҳақидаги фикрларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) нафақат бир неча гап, балки биргина гап ҳам периодни ҳосил қилади (Ломоносов), 2) содда гап ёки қўшма гап период бўла олади (Востоков, Шапиро), 3) фақат қўшма гап (кўпинча эргашган қўшма гап) периодни ташкил этади (Мухин, Сат, Розенталь, Голуб, Теленкова, Адмони, Duden, Helbig, Buscha). Шундай бўлса-да, ҳар учала гуруҳ вакиллари период, ўз ҳажми ва хусусиятидан қатъи назар, маъно ва интонацион жиҳатдан яхлит эканлигида яқдилдирлар. Маълумки, тил

бирлигидаги ушбу маъно ва интонацион яхлитлик тушунчасининг тадқиқи кейинчалик матн назариясининг пайдо бўлишига олиб келди. Барча даврларда ҳам ушбу тадқиқотлар муайян тилнинг адабий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Аёнки, юқорида тилга олинган аксарият мутахассислар қўшма гапларни ўз ичига олган гап комплексини период дейишга мойилдирлар. Шу билан бирга, гап структурасини ўрганишга бағишланган барча ишларида ҳам период масаласи махсус қараб чиқилмаганлари бор. Масалан, 1970 йилда Н.Ю.Шведованинг махсус муҳаррирлигида нашр қилинган “Грамматика современного русского литературного языка” китобида ёки акад. В.В. Виноградовнинг 1955 йилда “Вопросы грамматического строя” тўпламида эълон қилинган кенг қамровли “Основные вопросы синтаксиса предложения” мақоласида бу ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Дарвоқе, бевосита қўшма гапларни ўрганишга бағишланган мақоласида И.Н.Кручинина қўшма гап табиатан дуалистик birlik бўлиб, формал жиҳатдан гаплар йиғиндисини, функционал жиҳатдан ягона гапни ташкил этади ва кейинги ҳолат матн сифатида қаралади, деб таъкидлайди [Кручинина 1973: 111-119]. Бу ерда муаллиф, бизнингча, қўшма гапни период сифатида эмас, балки ҳозирги тилшуносликда кенг оммалашган матн тарзида қарашни маъқул кўради. Демак, бир гуруҳ олимлар қўшма гапни период, деб тушунса, бошқалари уни матн тарзида тан олиб, грамматик синонимияга йўл қўйишмоқда, яъни терминларда фарқ бўлса-да, моҳиятан бир нарса. Бир парадигмани ташкил этган қўшма гап, период ва матн бу ерда номланишдаги фарқдан қатъи назар бир тушунчани англатмоқда.

Шундай қилиб, периодда биринчи қисм бир қатор синтактик жиҳатдан уюшиб келган яхлит birlikларга бўлиниб, мазмун ва интонациянинг ошиб бориши билан фарқланади, периоднинг иккинчи қисми эса ушбу тарангликнинг ечимини беради [Сат 2010: 88-89].

Шу маънода период кенг тармоқланган гап бўлиб, мазмунан етарлича тўлиқ ва тугалланган фикрни ифодалаб, ягона мавзу остида бирлашган бўлади ҳамда интонацияси икки қисмдан иборат бўлиб, кўтарилувчан ва пасаяувчан хусусиятга эга [Розенталь 2008: 419].

Кўринадики, ушбу масала антик даврда ҳам, синтаксиснинг кейинги тарихи давомида ҳам долзарб бўлиб келган. Шундан, грамматик ва риторик нуктаи назардан период ҳозирда ҳам катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Бунда худди гап ва матн сингари, унинг семантик ва композицион структурасини аниқлаш марказий масала бўлиб қолмоқда.

2.2. Шахсиз пассив

Лингвистик адабиётларда ҳануз “шахсиз пассив” нима ва у “шахсли пассив”дан қандай фарқ қилиши яқдил изоҳлаб берилмаган. Кўпгина грамматикаларда ушбу фарқ учун ҳеч бир очик критериялар берилмаган. Одатда грамматик китобларда шахсиз пассив учун қуйидаги мисоллар келтирилади:

(1) *Dem Vater wird geholfen.*

(2) *Es wird gesungen.*

Ҳелбигнинг фикрича, биринчи гап ўтимсиз феълдан ясалган объектли икки бўлакли пассив, иккинчи гап эса ўтимсиз абсолют феълдан ясалган объектсиз бир бўлакли пассив. Бу ерда пассивнинг таснифи семантик сатҳ таъсиридагина ўрганилиши мумкин.

Аслида синтактик ҳодисалар, шунингдек, пассив учун ҳам семантик сатҳнинг изоҳлаш асоси сифатидаги муносабати ҳам лисоний – назарий ва ҳам лисоний – амалий сабабларга боғлиқ. Зотан, тил ижтимоий коммуникация мақсади учун белгилар системасидир. Коммуникация жараёнида ушбу муносабатнинг фақат бир жиҳати намоён бўлади [Suchsland 1971; Neumann 1969; Bierwisch 1973].

Бунда пассив ва пассивлашган ҳодисалар учун семантик сатҳ бирликлари (лисоний вазиятда иштирокчиларнинг сони ва тури) ва

синтактик сатх (гап бўлаклари) бирликлари ўртасидаги муносабат асос бўлиб хизмат қилади [Категория залога 1970; Мельчук 1970: 111; Steube 1972: 17; Lötsch 1972; Helbig 1975; Fiedler 1975; Helbig 1975].

Гапда синтактик ва семантик бўлаклар ўртасидаги муносабатларни тавсифлаш учун дастлаб иккала сатхдаги тушунчаларни аниқлашга зарурат туғилади. Синтактик сатхда феъл актантларини гап бўлаклари тушунчалари билан белгилаймиз: *Sn* (*Subjekt im Nominativ*), *Oa* (*Objekt im Akkusativ*), *Og* (*Objekt im Genitiv*), *Od* (*Objekt im Dativ*), *Op* (*Präpositionalobjekt*).

Семантик сатхда *A* (*Agens*), *P* (*Patiens; Objekt*), *F* (*Faktiv; Objekt*), *I* (*Instrument*), *Ad* (*Adressat*) лар белгиланади [Fillmore 1968; Fillmore 1971]. Ушбу атамалар пассивнинг моҳиятини аниқлаш учун етарли ва *Vorgangspassiv* нинг турли кўринишларини фарқлаш имкониятини беради [Zimmermann 1970; Арутюнова 1973]. *Vorgangspassiv* дейилганда пассивнинг жараён, иш-ҳаракатни ифодалаши тушунилади.

Активнинг барча шаклларида агенс ва субъект идентишдир, пассивда эса, аксинча, агенс билан субъект ўртасида мослик мавжуд эмас [Steube 1972: 18; Lötsch 1972: 3]. Бундай боғлиқликни кўпгина ҳолларда исботлаш мумкин:

(3) *Der Lehrer schenkt (dem Schüler) das Buch.*

A – P – Ad semantische Struktur (семантик структура)

Sn – Oa – (Od) syntaktische Struktur (синтактик структура)

(4) *Das Buch wird (dem Schüler) (vom Lehrer) geschenkt.*

A – P – Ad semantische Struktur

(Op) – Sn – (Od) syntaktische Struktur

Ушбу қиёслаш уч хил кўринишга эга:

а) Актив гапда *A=Sn* мосликни, пассивда эса аксинча *A=Sh* номутаносибликни кўрамиз.

б) Актив ва пассив гаплар бир хил семантик структурага эга, яъни *Aktiv* ҳам, *Vorgangspassiv* ҳам тилдан ташқари борлиқнинг айнан бир хил

нарсa-предметни англатади (барча коммуникатив турли-туманликда), улар, бинобарин, айнан бир хил предметга нисбатан турли объектив ҳаракат йўналишини эмас, балки ҳар хил субъектив нуқтаи назарни ифодалайди [Helbig 1968: 132].

с) Ушбу боғлиқлик пассивга трансформация қилишга, активнинг асосий синтактик структурасини *Vorgangspassiv* нинг ясама синтактик структурага айлантириш қоидасини беради: $Sn - Oa - (Od) \rightarrow (Op) - Sn - (Od)$.

Бироқ шундай актив гаплар борки, улардаги номинатив субъект агенс бўлолмайди:

(5) *Das Mädchen genießt sein Vertrauen* (Қиз унинг ишончини қозонди).

(6) *Das Messer schneidet das Brot*.

Бешинчи гапда субъект муносабат ташувчисини (агенсни [Москальская 1973; Москальская 1974: 80]), олтинчи гапда эса инструментни, кулолни ифодаляпти. Бундан икки хулоса келиб чиқади:

1. Агар активдаги *Subjektnominativ* агенсни ифодаласа, актив тўлиқ маъноли пассивга трансформация қилинади. Бу, биринчидан, ўтимсиз феъллардан ясалган пассивга тегишли:

(7) *Der Schüler hilft dem Lehrer*. (=Agens)

→ *Dem Schüler wird vom Lehrer geholfen*.

(8) *Der Schüler ähnelt dem Lehrer*. (=Relationsträger, Demi-Agens)

* → *Dem Lehrer wird von dem Schüler geähnelt*.

(9) *Man tanzt*. (=Agens)

→ *Es wird getanzt*.

(10) *Man wächst*. (=Vorgangsträger)

* → *Es wird gewachsen*.

Бу ҳолат айни пайтда ўтимли феъллардан ҳосил бўлган пассивга ҳам дахлдор:

(11) *Die Mutter schneidet das Brot*. (=Agens)

→ *Das Brot wird von der Mutter geschnitten*.

(12) *Das Messer schneidet das Brot. (=Instrument)*

* → *Das Brot wird von dem Messer geschnitten* [Steube 1972: 59].

Кўринадики, активнинг пассивга ўта олиши учун субъект агенс характериға эға бўлиши лозим.

2. $A=Sn$ ҳолати (яъни активнинг пассивга ўтолмаслиғи) нафақат юқорида айтилган пассив гаплар (“синтактик пассив”) га, шунингдек, барча пассив маъноли актив шакллар (“семантик пассив”) га, яъни барча пассив-парафразларга ёки пассивнинг конкурент шакллариға ҳам тааллуқли:

(13) *Diese Tür ist leicht zu öffnen. (=Patiens)*

(14) *Der Schüler erhält ein Buch geschenkt. (=Adressat)*

Агар биз қуйидағи семантик жиҳатдан яқин эквивалентга эға ва $A-Ad$ семантик структурани кўрсатадиган гапларни қиёсласак, ушбу боғлиқлик исботланади:

(15) *Wir beleidigen ihn.*

(16) *Er wird (von uns) beleidigt.*

(17) *Ihm geschieht (durch uns) eine Beleidigung.*

(18) *Ihm wird (durch uns) eine Beleidigung zugefügt.*

Ўн бешинчи гапда актив ҳақида гап кетаяпти (Sn ва A мос тушган), ўн олтинчи ва ўн саккизинчи гаплар пассив тарзда талқин қилиниши керак (Sn ва A мос тушмаган):

(15) $Sn - Oa$

(16) $(Op) - Sa$

(17), (18) $(Op) - Od$.

Бу ерда фақат ўн олтинчи гап синтактик пассив тарзида талқин қилиниши мумкин, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи гаплар эса пассив-парафразлардир, чунки улар 17-гап феъли формал активда, 18-гап эса аксинча пассивда турганлиғи билан ўзаро фарқланади.

Биз пассивнинг моҳиятиға шу қарашлар ёрдамида синтактик бирликлар ва семантик бирликлар сатҳлари ўртасидағи муносабатлар

асосидагина *Vorgangspassiv* таснифлашни қўллашимиз мумкин ва сўнгра шу базис асосидагина шахсиз пассив бўйича саволга жавоб беришимиз мумкин. Шундай қилиб, *Vorgangspassiv* нинг тўрт хил турини аниқлаш мумкин:

1) ўтимли феъллардан ясалган икки бўлакли, уч бўлакли ёки тўрт бўлакли *Vorgangspassiv*:

(19) *Der Lehrer schenkt (dem Schüler) das Buch.*

→ *Das Buch wird (dem Schüler) (von dem Lehrer) geschenkt.*

(20) *Die Mutter bäckt (der Tochter) den Kuchen.*

→ *Der Kuchen wird (der Tochter) (von der Mutter) gebacken.*

2) мультивалентли ўтимсиз феъллардан ясалган икки бўлакли ёки уч бўлакли *Vorgangspassiv*:

(21) *Wir helfen dem Lehrer.*

→ *Dem Lehrer wird (von uns) geholfen.*

(22) *Wir gedenken der Toten.*

→ *Der Toten wird (von uns) gedacht.*

(23) *Wir sorgen für die Kinder.*

→ *Für die Kinder wird (von uns) gesorgt.*

3) моновалентли ўтимсиз феъллардан ҳосил бўлган аниқ шахсли агенсга эга икки бўлакли *Vorgangspassiv* [Es sei angefügt, daß dieser Typ zwar selten, aber durchaus möglich und belegt ist. Die geringe Gebräuchlichkeit ist wohl auch der Grund dafür, daß dieser Typ bei Zuordnungsfragen zum persönlichen bzw. unpersönlichen Passiv wenig im Mittelpunkt gestanden hat.]:

(24) *Er tanzt.*

→ *Es wird von ihm getanzt.*

4) моновалентли ўтимсиз феъллардан ясалган ноаниқ шахсли агенсли *Vorgangspassiv*:

(25) *Man tanzt.*

→ *Es wird getanzt.*

Vorgangspassiv нинг тўрт турга бўлиниши қуйидаги белгилар асосида амалга оширилади:

а) феъл валентлиги орқали, яъни тегишли актантларнинг сони туфайли: биринчи ва иккинчи типларнинг актив гапларида камида иккита актант келади, учинчи ва тўртинчи типларда эса фақат битта актант бўлади. Шулар, биринчидан, биринчи ва иккинчи типларни фарқласа, бошқа томондан, 3- ва 4-типларни фарқлайди.

б) иккинчи актантнинг синтактик тури орқали: у биринчи типда битта *Oa*, иккинчи типда битта *Od*, *Og* ёки *Op* га эга бўлади. Шулар биринчи ва иккинчи типларни бир-биридан фарқлайди.

с) пассив трансформацияда келишикларнинг фарқланувчи ўзгаришлари орқали: биринчи типда *Oa Sn* га айланади, иккинчи типда қолган келишиклар (*Od*, *Og*, *Op*) сақланиб қолади ва пассив трансформация томонидан ўзгаришга учрамайди.

д) агенснинг семантик тури орқали, у учинчи типда аниқ (маълум) шахсли (*м-н: Hans, der Lehrer, unsere Freunde usw.*), тўртинчи типда аксинча номаълум шахсли (*м-н: man, die Leute, sie*); 3-ва 4-турлар шу белгилари орқали бир-биридан фарқланади.

е) пассивнинг ясама (ҳосила) синтактик структурасидаги минимал аъзоларининг миқдори орқали: тўртинчи тип, маънога эга бўлмаган *es* дан ташқари, фақат биргина аъзо (кесим)га эга бўлади ҳамда бир бўлакли пассивни ташкил этади; қолган типлар, ушбу иккинчи бўлак қайси турга мансуб бўлишидан қатъи назар, энг камида икки бўлакли бўлади: биринчи типда *Sn*, иккинчи типда *Od*, *Og* ёки *Op*, учинчи типда *Op*. Бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда 1-ва 2-типларда яна бошқа бўлаклар факультатив ҳолда кела олади, шу тарзда уч бўлакли ёки тўрт бўлакли пассив ҳам пайдо бўла олади.

ф) пассив гапда агенснинг келиши орқали: 1-ва 2-типларда агенс факультатив, 3-типда пассив гапда облигатор тарзда келади, пассив гапнинг 4-типида агенс облигатор тарзда элиминацияга учрайди.

Vorgangspassiv нинг юқорида санаб ўтилган тўрт тури шу тарзда етарлича бир-биридан фарқ қилган ҳолда намоён бўлади. Энди икки саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

1. *Vorgangspassiv* нинг уч бўлакли, икки бўлакли ва бир бўлакли пассивга анъанавий тақсимланишининг юқоридаги тўрт типга таснифига қандай муносабати бор?

2. Энди шу 4- типдан қайси “шахсиз пассив” бўлади?

Биз яна бир бор анъанавий бўлинишга изох бериб ўтамиз [Admoni 1966: 177; Moskalskaja 1971: 147; Helbig 1972: 137]:

уч бўлакли пассив:

(26) *Maschinen werden von den Arbeitern gebaut.*

икки бўлакли пассив:

(27) *Maschinen werden gebaut.*

бир бўлакли пассив:

(28) *Es wird getanzt.*

Анъанавий таснифнинг юқорида биз келтирган тўрт тур билан қиёсланиши шуни кўрсатадики, пассивда иштирок этган бўлақлар сонига қараб таснифлаш унчалик нотўғри бўлмаса-да, бироқ у бир томонлама ва чеклангандир: у юқорида зикр қилинган белгилар томонидан а) дан f) гача кўрсатилганлардан фақат е) нигина инобатга олган, семантик структураси томонидан, шунингдек, активнинг асосий синтактик структураси томонидан абстрактлашган ва фақат пассивнинг ясама ташқи структурасидангина келиб чиққан. Натижада муҳим жиҳатлар эса эътибордан четда қолдирилган. Шундай қилиб, биринчидан, синтактик-семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқ конструкциялар бир-биридан ажратиб ташланган (шу тарзда (26) ва (27) мисоллар ҳар қандай вақтда ҳам фақат агенсининг коммуникатив омиллар томонидан детерминлашган факультатив мавжуд бўлиши билан фарқланади), бошқа томондан, турли типлар бир-бири билан аралаштириб юборилган (яъни икки бўлакли пассивга фақат ўтимли феъллардан ясалган 27 сингари мисол эмас, балки,

шунингдек, бизнинг ўтимсиз феъллардан ҳосил бўлган 2- ва 3-типларимиз ҳам кириши лозим). Аксинча, пассив гапдаги бўлакларнинг сони бўйича анъанавий тасниф диалектик маънода бизнинг тўрт турга бўлиниш таснифимизда барҳам топган.

Зикр қилинган тўрт турдан қайси “шахсиз пассив” сифатида тан олинишига бағишланган иккинчи саволга жавоб бериш анча мураккаброкдир. Зотан, “шахсли пассив” ва “шахсиз пассив” ўртасидаги чегара қаердан ўтади. Бизнинг биринчи туримиз анъанавий грамматиканинг “шахсли пассив”ига мос тушиши тушунарлидек кўринади. Аксинча, 2-тур, фақат 3-тур ёки 4-тур шахсиз пассив сифатида талқин қилинадими? Ҳозиргина ушбу савол дастлаб 1-мисолда бизнинг 2-туримизга, 2-мисолда бизнинг 4-туримизга мос тушиши ҳақида гап бориши кўрсатилди.

Ушбу масалада ҳозиргача жуда кам яқдиллик мавжуд, чунки у ҳозиргача муаммо сифатида қаралмаган. Шу боис, грамматикаларга – кўлланмаларга бир назар ташлаб, ушбу масалага ойдинлик киритиш керак. Масалан, Jung [Jung 1966: 192, 234] ва Grebe [Grebe 1959: 115] лар ўтимсиз феъллар шахсли пассив эмас, балки шахсиз пассив ясай олади, дейишади. Бундан шундай хулоса чиқариш лозим (бунга юқорида келтирилган мисоллар мос тушади), яъни бизнинг 2,3 ва 4-турларимиз “шахсиз пассив” сифатида қаралиши мумкин. Бошқа томондан, Erben [Erben 1964: 41] фақат объектсиз феъллардан ҳосил бўлган пассивгина “шахсиз пассив” сифатида қаралади (яъни бизнинг 4-типимизга монанд), яъни агенс ёки пациенс эслатилмаган ҳол. Шунга ўхшаш маънода „Kleine Enzyklopädie – Deutsche Sprache“ китобида ҳам шахсиз пассивни бизнинг 4-типимиздаги объектли ёки объектсиз кўлланган феъллар билангина чегараланади (*Масалан: Hier wird gearbeitet*) ва улардан аниқ, ҳаққоний равишда бизнинг 2-типимиздаги ўтимсиз феъллардан ҳосил бўлган пассив (*Масалан: Seinem Freund wird geholfen*) ни ажратиб кўрсатилади [Kleine Enzyklopädie 1970: 864]. Шу каби аниқ чегаралашга Admoni [Admoni 1966:

180] ва W.Schmidt [Schmidt 1965: 193, 202] да ҳам етарлича эътибор берилмаган, яъни, бир томондан, ўтимсиз феъллардан ясалган шахсиз пассив ҳақида (бизнинг 2-дан то 4-типгача бўлган мисолларимиз сингари) гап кетса, бошқа томондан, фақат бизнинг 4-типимиздаги мисоллар сингари мисоллар келтирилган холос.

Кўп ҳолларда ҳеч қандай тамойиллар берилмагани, берилган мисоллардан даставвал тегишли хулосалар қилиниши лозим бўлганлиги мушоҳада қилинса, бундай чалкашликнинг бўлиши тушунарли. Кўпгина ҳолларда ўзгармаган ҳолда шахсиз пассив ҳақида гапирилса-да, айрим ҳолларда эса “шахсиз пассив” турлича нуқтаи назарда қаралганда ушбу ноякдиллик янада кучаяди: ушбу терминнинг эҳтиёткорона қўштирноқ ичида ёки изоҳ тарзида қўлланиши ҳолида кўрилиши (ёки шахсиз пассив деб аталган шаклда қаралиши) – бундан муаллифларнинг эҳтиёткорлигига сабаблар нимадан иборат эканлиги ҳақида бирор бир хулоса чиқариш мумкин эмас - , Admoni пассивнинг ушбу шакли қўлланишини “бутунлай шахсиз” [Admoni 1966: 181], деб ҳисобласа, Moskalskaja эса, аксинча, “шахсиз пассив” деган тушунчада эҳтиёткорлик қилади, зеро, у аслида сира шахсиз бўлолмайди [Moskalskaja 1971: 153], дейди.

Мазкур дивергенция (тафовут) туфайли “шахсиз пассив” тушунчасининг турлича ҳажмига нуқтаи назар ҳам (бизнинг 4-типимиз ёки 2-дан 4-типгача сингари) ёки умуман тушунча адекватлигига қараш биз учун икки саволни кўндаланг қилиб қўяди:

1) Тушунчанинг турлича қўлланишида қайси тамойиллар асос бўлиб хизмат қилади?

2) Қайси ҳолатда “шахсиз пассив” тушунчасининг қўлланиши мақсадга мувофиқ ва маънолидир?

Бу ерда ушбу биринчи савол буни эксплицит қилиш ва аниқ тамойилларга олиб келиши учун кўпгина грамматикаларда турлича ечимларга келинган (ҳал қилувчи тарзида) иккинчи савол биринчи саволнинг жавобини олдиндан тайёрлаган. Иккала саволга боғлиқ ҳолда

жавоб бериш учун, лозим бўлганда, шахсли ҳамда шахссиз пассив ўртасидаги чегараларни назарда тутиб, методик асослардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдек туюлади.

а) Бир томондан 1-тип ва бошқа томондан 2-дан 4-тип ўртасида мумкин бўлган чегара бўйича савол 2-дан 4-типнинг умумийликлари бўйича саволни тахмин қилади. 2-дан 4-типларнинг умумийлиги шундан иборатки, уларда пассивнинг ҳосила синтактик структурасида Sn, яъни синтактик сатҳ воқе бўлмайди – бироқ агар финитив феълдан олдинги биринчи ўрин бўш бўлсагина es шахссиз олмоши келади:

(21a) *Es wird dem Lehrer geholfen.*

**Dem Lehrer wird es geholfen.*

(24a) *Es wird von ihm getanzt.*

**Von ihm wird es getanzt.*

(25a) *Es wird hier getanzt.*

**Hier wird es getanzt.*

Субъектсиз пассив гаплар ҳақида гап кетганда 2-дан 4-типгача умумийлик мавжуд бўлади. Бунда “субъект” дейилганда пассив гапнинг синтактик субъекти тушунилиши керак. Ушбу чегаралаш қўшимча қилиниши керак, чунки бу типлар асосий актив структурада ҳам синтактик субъект, семантик структурада унга мос тушадиган тегишли агенс ҳамдир. Синтактик структурадаги фарқ ҳақида гап кетганда, бунда шахсли ва шахссиз пассив ўртасидаги фарқ семантик сатҳни кўрсатади. Шу боис 1-типни “шахсли”, 2-дан 4-гача бўлган типни “шахссиз”, деб тавсифлаш мантиқан эмас. Семантик сатҳда мазкур фарқ мавжуд бўлиши лозим бўлганда, бундай фарқни аниқлаш даргумон:

(29) *Wir unterstützen den Lehrer*

→ Der Lehrer wird von uns unterstützt.

(30) *Wir helfen dem Lehrer.*

→ Dem Lehrer wird (von uns) geholfen.

Бизнинг 1-типимизга қаршли 29-мисол ва 2-типимизга ортиқча саналган 30-мисол семантик бўлиши даргумондир, бироқ синтактик фарқнинг бўлиши аниқ. Зотан, ушбу фарқ феъл валентлиги томонидан муайян келишикнинг детерминлашган селекциясига боғлиқдир. Бун (келишик) га ҳеч қандай “маъно” бевосита мос келмайди. Унга турфа маънолар (“семантик келишиклар”) мос тушиши мумкин [Helbig 1977]. Бинобарин, ушбу синтактик келишиклардан шахсли ва шахсиз пассивлар ўртасидаги фарқни ифодаладиган семантик фарқ тўғрисида хулоса қилиб бўлмайди.

б) Айниқса, бир томондан, 1-ва 2-тип, бошқа томондан, 3-ва 4-тип ўртасидаги чегара сўроқ остида қолади. Ушбу типлар ўртасидаги мавжуд фарқ охир-оқибат синтактик хусусиятга эга: 1-ва 2-типдаги мултивалентли феъллар, 3-ва 4-типдаги моновалентли феъллар. Ушбу синтактик фарқ ортида семантик фарқ яширинган. Бироқ бу фарқ агенсга эмас, балки бошқа актант(лар)га (ёки аргумент)ларга тааллуқли бўлиб, 3-ва 4-типлар бундан истиснодир. Шундай қилиб, шахсли ва шахсиз пассив ўртасида ҳеч қандай мотивлашмаган чегара бўлмаган семантик фарқ ҳақида гап кетмоқда. Ушбу фарқ агенс характериға боғлиқ.

с) 1-дан 3-типгача, бир томондан, ва, бошқа томондан, 4-тип ўртасидаги чегаранинг мавжудлиги ҳақидаги масала анча мушкулроқдир. Дастлаб 4-типни (субъектсиз пассивға фарқли равишда) агенсиз пассив сифатида тавсифлаш ва бундан 4-типдаги шахсиз пассивнинг тахминини оқлашни ҳосил қилишда кўндаланг бўлиб туради. Бироқ ушбу хулоса ҳам ҳақиқатға тўғри келмайди, чунки 4-типда агенс ясама пассив гапнинг сатҳида (1-дан 3-типға қарама – қарши равишда) юзаға келмайди. Аммо ҳар доим – шунингдек, зарурий равишда, семантик структурада мавжуд бўлади ва олдиндан башорат қилинади. Бу олдиндан мўлжалланган бўлади, аксинча, пассивнинг ясалиши умуман мумкин бўлмай қолади. Биз бевосита агенсининг мавжуд бўлишини пассивнинг барча типлари учун

зарур шарт сифатида (1-дан 4-типгача) кўриб чикдик. Ҳақиқатда гап куйидагича бўлиши мумкин.

(25a) *Es wird getanzt.* гапи фақат

(25b) *Man tanzt.* гапининг пассив трансформация сифатида тушунилади.

(25c) *Die Mücken tanzen.*

(25d) *Die Schneeflocken tanzen.* гапларининг пассив трансформацияси эмас.

Бироқ (25c) ва (25d) активда кела олган бўлса ҳам, номинативдаги субъект ва агенсининг мос тушмаслиги пассив трансформацияга йўл қўймайди.

Бинобарин, 4-тип 1-дан 3-типгача фарқ қилиши унинг агенсиз эканлигида эмас, балки

а) пассив гапнинг синтактик сатҳдаги агенси ифодаланмаган ёки ифодалана олмайди,

б) у номаълум шахс бўлгани учун ифодалана олмайди.

Агенсининг номаълумлиги 4-типни 3-типдан фарқлайди, агенсининг шахс номида бўлиши пассивнинг барча типлари учун умумийдир. Шунинг учун 4-типда шахсиз пассив ҳақида гапириш унчалик мақсадлимас. Бу эса ўз навбатида, албатта, “шахсиз пассив” деган тушунчадан умуман воз кечишга ва бу билан “шахсли” ва “шахсиз пассив” ўртасидаги чегарадан ҳам воз кечишга олиб келади.

Фақат савол туғилади – бу савол якунда бундай ёрлиқ ва тасниф қандай қилиб амалга ошганлигини ва шунча узоқ муддат сақланиб қолганлигини кўрсатади. Фақат ёлғиз синтактик ўхшашликдан келиб чиққан ҳолда, *es* шахсиз олмошининг келишига асосланиб, икки конструкция етарлича аниқ бир-биридан фарқланмади, шекилли:

(31) *Es schneit.*

→ **Es wird geschneit.*

(32) *Man tanzt.*

→ *Es wird getanzt.*

31-мисолда аслида шахссиз конструкция ҳақида сўз бормоқда: *es* актив гапда келмоқда; унда агенс бўлмаганлиги боис пасив конструкция ясалмайди. 32-мисолда эса аксинча *es* пасив конструкцияда келмоқда; актив гапда агенс англашилгани учун пасив ясала олинishi мумкин. Албатта, у аниқ эмас, балки номаълумдир. Ташқи жиҳатдан бир хил туюлган *es* алдамчидир, чунки

а) 31-мисолда формал *es* субъекти мавжуд, уни на ташлаб юбориб, на алмаштириб бўлади, 32-мисолда эса аксинча *es* жой (ўрин) эгалловчи бўлиб, уни алмаштириб бўлмаса-да, бироқ гап ичида облигатор равишда тушириб қолдирилади [Helbig 1972: 352];

б) шунингдек, кўпгина тилларда *es* олмошининг бир-биридан фарқ қилувчи ҳолатларига ҳар хил эквивалентлар мос тушади. Булар қиёсий тадқиқот жараёнида аниқланган.

2.3. Иккинчи боб бўйича хулосалар

Юқоридагилардан аёнки, феълнинг нисбат категорияси, унинг бошқа категорияларига нисбатан, анча мураккаблиги ва кўп жиҳатларининг баҳслилиги билан фарқланиб туради.

Хусусан, пасив нисбатнинг турлари. Айрим тилшунослар пасив бир бўлакли, икки бўлакли ва уч бўлакли турларга эга дейишса, бошқалари ушбу парадигмани кенгайтирган ҳолда тасаввур этади.

Баъзилар рефлексивни алоҳида нисбат тури сифатида тасаввур этишса, бошқалар эса уни пасивнинг бир кўриниши, деб ҳисоблайди.

Нисбатнинг ҳар бир тури ўзига хос субъект-объект муносабатига ва валентлик хусусиятига эга. Жумладан, валентлик белгиси фақат феълга эмас, шунингдек, бошқа сўз туркумларига ҳам дахлдордир.

Нисбатнинг баҳсли жиҳатлари ичида шахссиз пасив алоҳида ўринга эга. Шу боис мазкур граммемага бироз тўхталиб ўтамиз.

Кўриб чиқилган манбаларнинг деярли барчасида шахссиз гаплар фақат активда келиши, пассивда эса учрамаслиги таъкидланган. Шу жумладан, Г.Ҳелбиг ҳам шундай фикрда. Бу эса шахссиз пассив, деб ҳисобланган „Es wird getanzt“ типигаги гаплар грамматик эгасиз келган бир таркибли пассив гаплар, деб талқин қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди, чунки гап таркибидаги формал „es“ ҳеч қандай лексик маъно ташимайди, дегани. У фақат гапнинг биринчи ўрнини тўлдириш учун келтирилган. Шу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, айрим мутахассислар шахссиз гап, шу жумладан, шахссиз пассив, дейилганда грамматик эгасиз келган гапларни назарда тутишса, бошқалари эса феълнинг лексик маъносига асосланиб, уни шахссиз гаплар парадигмасидан чиқариб ташлашни тавсия этишади. Бизнингча, шахссиз гапларни таҳлил қилишда грамматик нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда иш кўрилса, маъкул бўларди. Зотан, биз грамматика билан иш кўрарканмиз, буни унутмаслик керак. Бундан ташқари, “сўзларнинг барча грамматик шакллари ҳар доим гап доирасида нутқда реал ҳукм суришини” эътиборда тутишимиз лозим [Адмони 1979: 4]. Тўғри, грамматика семантикаси фаолият кўрсатолмайди.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, шахссиз гапларни икки хил мақомга эга турга бўлиш мумкин:

- 1) табиатан шахссиз гаплар (светает; es schneit кабилар);
- 2) кесимидан агеенси англашилиб турган грамматик эгаси бўлмаган шахссиз гаплар (**Мне хочется чаю; Es wird getanzt** кабилар).

Чунончи, масалани амалий жиҳатдан янада ёрқинроқ тасаввур этиш учун биз Анатолий Рыбаковнинг 540 саҳифадан иборат бўлган “Дети Арбата” романида келтирилган шахссиз гапларни кўриб чиқдик. Бунда жами 110 та шахссиз гап учраб, шундан 8 таси (7,3 %) ни **«сказано ведь, проходите»** (226-бет), **«В общем, ничего не решено»** (246-бет) каби мажхул шаклдаги шахссиз гаплар ташкил этади. Ушбу гапларнинг

барчасида феъл кесим инсон фаолияти билан боғлиқ маънони ифодалайди [Рыбаков 1988].

Кўринадик, бир оилага мансуб тилларда, айниқса, типологик жиҳатдан бир-бирига яқин тилларда шахсиз гапларни қиёсий – типологик тадқиқ қилиш кўп жиҳатдан ўхшаш ҳолатларнинг мавжудлигидан далолат беради.

III БОБ. МАТН ВА ТАРЖИМА

3.1. Матн ва таржима назариясининг шаклланиши ва унинг турлари

Юртимизнинг истиқлолга эришиши, мустақил давлатимизнинг дунё хамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши, ривожланган давлатлар билан савдо-иқтисодий, илмий-маданий ва ташқи муносабатларнинг ўрнатилиши натижасида таржима соҳаси янги босқичга чиқди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бой тарихимизни асл ҳолича, чуқур ўрганишга қаратилган улкан эътиборлари туфайли юртимиз ва хориждаги қўлёзма фондларида, музей ва кутубхоналарда сақланаётган нодир асарларни тадқиқ этиш, уларда ўз ифодасини топган миллий ва умуминсоний ғояларни келажак авлодларга етказиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада олимлар ва соҳа мутахассислари изчил изланишлар натижаси ўлароқ буюк алломаларимиз томонидан яратилган кўплаб асарлар, тарихимизнинг турли давларида дунё юзини кўрган қимматли манбаларнинг салмоқли қисми асл ҳолича тадқиқ қилинди ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Бундай илмий изланиш ва тадқиқотлар жараёнида хориждаги нуфузли илм-фан марказлари билан яқиндан алоқалар йўлга қўйилгани қадимий манбаларни чет тилларга таржима қилиш ҳамда бебаҳо маънавий меросимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш ва намойиш қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буни юртимизда бу соҳада амалга оширилаётган амалий ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида 2008 йил 09 октябрда бўлиб ўтган матншуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ва 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзудаги халқаро илмий-

амалий конференциялар бунга яққол мисол бўла олади. Бундай анжуманларнинг ўтказилиши қадимий манбаларни ўрганишга қаратилган эътибор матншунослик, матн тилшунослиги каби соҳаларни ривожлантириш, матнлар устида ишлаш ва илмий-танқидий матнлар яратиш жараёнини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Маълумки, бизнинг аجدодларимиз дунё илм-фани ривожланишига улкан ҳисса қўшишган. Хусусан, “минг йилдан бери инсоният қалбида яшаб келаётган улуғ мутафаккир олимлар – Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарийлар айни замонда биринчи таржимонларимиз эди” [Шарипов 1972: 33].

Биз ўз ишимизда таржима назарияси ва, шу жумладан, матн назариясининг шаклланиши ҳақида тўхталар эканмиз, бу улуғ сиймоларнинг номларини тилга олмасдан иложимиз йўқ, чунки улар таржима соҳасига ўз улушларини қўшиб, дурдона асарлар ёзиб қолдирганлар. Демак, улкан асарлар – бу улкан матнлар, демакдир.

Биламизки, бундай алломаларнинг, мутафаккирларнинг етишиб чиқишида Маъмун академиясининг ўрни биқиёсдир. Аждодларимизнинг илм-фан чўққиларини забт этишлари, ўзларидан бой маънавий мерос қолдиришлари учун асос бўлган яна бир омил – бу антик давр илм-фан ва адабиёт намуналарини (ўша замон фан тили) араб тилига таржима қилинганлигидадир, десак хато бўлмайди. Жумладан, “VIII-IX асрларда Бағдод ва халифаликнинг бошқа илмий марказларида математикага доир китоблар билан бир қаторда, Аристотель, Архимед, Герон, Птолемейнинг (Алмагест) асарлари ҳам таржима қилинади ва шарҳланади” [Саломов 1983: 22].

Шу билан бирга, бу мутафаккирларнинг асарлари ҳам бошқа тилларга ўгирилган. Аждодларимиз яратган бой маънавий мерос ҳам ўз вақтда Европада фан ва техниканинг ривожланишига замин яратган. Айниқса, “XII-XIII асрларда Испанияда (Тоledo) таржимон, шарҳловчи ва курамачи (компилятор)лардан иборат катта бир мактаб араб тилида

битилган шарқ мутафаккирларининг асарларини ёки араб тилига ўгирилган юнон олимларининг китобларини лотин тилига таржима қилиб ёинки, уларнинг мазмунини баён этган ҳолда қайта ишлаб Европада фан, техника ва маданиятнинг гуркираб ўсишига улкан ҳисса қўшган” [Саломов 1983: 23].

Демак, антик давр ва ўрта аср илм-фан ва адабиёт намуналари матнларини ўгиришда таржима муҳим аҳамият касб этган.

И.Ғафуров таржима ҳақида гапириб, жумладан, у шундай деб ёзади: “Таржима икки тил ёки тиллар ўртасидаги воқеликнинг ҳосиласи”дир [Ғафуров 2012: 13]. Демак, ҳосила деганда кўз олдимизга қайта ишланган, тайёр материал келади. Шу ўринда материал бу таржима жараёнида қайта яратилган таржима матни ёки аввалдан мажуд манба матнини тушунмоғимиз керак. Шу билан бирга, у таржима ҳақидаги фикрларини баён этиб, “сўз”ни таржиманинг иш материали, деб баҳолайди. Аммо, бизнингча, эндиликда бундай фикр хатодир, чунки тор маънода сўз таржиманинг иш материали бўлиши мумкин. Аммо таржимон бирон бир матнни таржима қилар экан, сўзларнинг кўп маънолигини ҳам эсдан чиқармаслиги керак. Шундай экан, таржима жараёнида ҳар қандай матнни контекстга қараб, ундан англашиладиган маънодан келиб чиқиб таржима қилган маъқул. Ўшандай ҳолатда матнда адекватликка эришиш мумкин.

Таржимашунослик ҳам матн тилшунослиги каби филологиянинг янги бир соҳаси бўлиб, у таржима жараёни, унинг қонуниятлари, манба матни ва таржима матни устида олиб борилган изланишларни умумийлаштиради ва икки тил орасидаги мувофиқликлар даражасини, уларнинг ўзига хос хусусиятлари моҳиятини очиб беради. Таржимашунос олим М.Холбеков чет эл олимларнинг илмий концепцияларини таҳлил қилиб, XXI асрда таржима жаҳон халқлари ва цивилизацияси ўртасидаги коммуникатив воситага айланганлиги таржиманинг лингвистик ва адабий аспектлари тарафдорлари ўртасида эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлайди [Холбеков 2009/1: 49-53].

Таржима назарияси ривожда турли фанларнинг, жумладан, тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, социология, психология, этнография, айниқса, матн тилшунослиги ва матншунослик соҳаларида тўпланган фон (маънавий) билимлар ва бой тажриба муҳим аҳамият касб этади. И.Ғафуров, айниқса, “таржима назариясида лингвистиканинг ўрни беқиёс” [Ғафуров 2012: 13] эканлигини қайд этиб ўтади. Шундай экан, ҳеч иккиланмай, жумладан, матн назарияси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Кейинги ўн йилликлар давомида лингвистик муаммолар кўп ва қайта-қайта ишланмоқда. Аёнки, нафақат таржимада, балки матнда ҳам лингвистикасиз ишонч билан қадам ташлаш қийин экан. Бундан ташқари, лингвистик муаммолар қаторида матннинг поэтик, эстетик, психологик, фалсафий, ижтимоий муаммоларини чуқур ва изчил ўрганиш бу соҳанинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, бу соҳада Л.Бархударов, А.Федоров, А.Попович, В.Виноградов, В.Комиссаров, Е.Бреус, Н.Пелевина, Ю.Катцер ва А.Кунин каби забардаст олимлар жиддий тадқиқотлар олиб борган.

Маданиятлараро коммуникация қонуниятларини аниқлаш, аслият таржимасида кенг қамровли ахборотни акс эттириш ва уларни тенг даражада узатиш усули ҳамда воситаларини тадқиқ этиш айни фанлар ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.


Айниқса, тил ва матн инсон маънавий ҳаётини акс эттирувчи кўзгу сифатида таржима назарияси ва матншунослик фанининг чамбарчарс боғлиқлигини кўрсатади. Матннинг бир неча таърифлари мавжуд. Матншунос олимлардан бири Л. Лосева матннинг қуйидаги уч белгисини кўрсатиб ўтади:

- 1) матн – бу, ёзма шаклдаги ахборот;
- 2) матн мазмуний ва структуравий тугал кўринишга эга;
- 3) матнда муаллифнинг тақдим этилаётган ахборотга муносабати ўз аксини топади [Лосева 1980: 4].

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлаяптики, таржима назарияси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу борада, И.Ғафуров қуйидаги фикрни илгари суради: “Илк таржималар инсониятнинг бир-бирига томон очган карвон йўлларида туғилган” [Ғафуров 2012: 50]. Таржимани амалга ошириш учун, аввало, (моддий ёки моддий бўлмаган) тайёр материал, яъни матн ёки матннинг тури бўлиши лозим. Матнлар турли халқлар маданиятида, оғзаки нутқида, адабиёти ва санъатида пайдо бўлади. Энг аввало, матнлар инсоният алифбони, иероглифлар ва бошқа турли халқлар учун соддалаштирилган ёзувларнинг қўллай бошлаши билан изоҳланади. Гап таржима ҳақида борар экан, шу ўринда матнни эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур, чунки матнга мурожаат қилмасдан туриб, таржимани амалга ошириб бўлмайди. Аммо тарихга назар ташларканмиз, таржимонлар олдида аслиятни таржима тилига қандай ўгириш лозим? – деган савол кўндаланг турганини кўрамиз. Ўтган асрларда яшаган таржимонлар “барча манба матнлар таржимага сўзма-сўз таржима қилиниши лозим”, деган консерватив қоидага риоя қилганлар. Бундай ёндашув XX аср бошларида ижод қилган баъзи бир таржимонларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, улар ҳам сўзма-сўз таржимани ёқлаб чиққанлар. Аммо кўпчилик таржимонлар “эркин таржимани афзал кўриб, санъаткор аслиятнинг ҳарфини эмас руҳини, сўзини эмас, мазмунини, шаклини эмас, унда мужассамлашган ахборотни бера билиши керак” [Раҳимов 2015: 21], деган фикрни олға суришган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда амалга оширалаётган лингвистик тадқиқотларда айнан таржима муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда. Таржима тушунчасига лингвистик нуқтаи назаридан қаралганда, уни “бир тилда яратилган нутқий ифода (матнни), унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратиш мақсад қилиб қўйилган ижодий жараён” [Раҳимов 2015: 5] сифатида тушунилади. Демак, таржима у ёки бу тилда яратилган матнни иккинчи бир тил воситалари орқали қайта матн яратиш демакдир.

Шу ўринда биз шундай формулани таклиф этамиз.



Тил ва нутқ бу – фаолият, матн бу – материал ва таржима эса бу – жараён деган хулосага келсак бўлади.

Кўришиб турибдики, “таржима назариясининг тадқиқ объекти таржима жараёни, таржима назариясини ривожлантиришга асос бўлувчи турли асарлар ва уларнинг таржима матнларидир” [Сирожиддинов 2011: 6]. Таржима тушунчаси матн тушунчаси билан ўзаро узвий боғлиқ. Муайян бир матнсиз ҳеч қандай таржимани амалга ошириб бўлмайди. Таржима жараёнида аслият тили воситалари ёрдамида яратилган матн – манба матн бўлиб, у таржима тили қонуниятлари ва имкониятларига мос равишда қайта шаклланади. “Таржима назариясининг асосий мақсади бир неча турдаги матнларни таржима қилиш усуллари аниқлашдан иборатдир” [Ғафуров 2012: 18]. Таржима тиллар ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, таржима бу худди дарёнинг бу қирғоғидан у қирғоғигача махсус нарсаларни ташишга мўлжалланган қайиққа, таржимон эса у қайиқнинг бошқарувчисига, матн эса қайиқ бошқарувчиси етказиб бериши зарур бўлган материалга ўхшайди.

Таржима матни билан манба матни ўртасида формал ва семантик меъёрий фарқ бўлганлиги сабабли таржима матни мазмун ва шакл жиҳатдан манба матнидан маълум маънода фарқ қилади. Шундай бўлишига қарамасдан, ўқувчилар манба матни таржима матни билан функционал, структураси ва семантикаси жиҳатдан бир хил, деб қабул қилишади. Зеро, манба матни билан таржима матни ўртасида ҳамisha маълум маънода тафовут бўлган.

Манба матн таржиманинг структуравий қурилишида қуйидаги хусусиятларга эга:

- Баён қилиш кетма-кетлиги.
- Матндаги алоҳида бўлақлар тартиби ўзгармаслиги.

Бу хусусиятларнинг асосий мақсади таржима матнидаги ҳар бир бўлақни манба матнидаги тегишли қисми билан ўхшашлигини таъминлашдир. “Таржимон томонидан баён қилиш ёки изоҳлаш тартибини ўзгартиришга фақатгина тўғридан-тўғри (бевосита) таржима имкони бўлмагандагина йўл қўйилади” [Раҳимов 2015: 9]

Манба матни ва таржима матни структурасининг ўхшашлиги таржима матнида аслиятдаги элементлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, қўшилган ёки тушириб қолдирилганлиги ҳамда уларнинг мувофиқлигини аниқлаш имконини беради. Манба матнини таржима қилишда мазмун ўхшашлиги муҳим аҳамият касб этади. Унда таржимон таржима тилида манба матнига энг мос, мувофиқ эквивалентлардан фойдаланади. Албатта, энг яхши натижаларга эришишда кишининг ички интуицияси асосий роль ўйнайди. “Таржима назарияси таржимонни анализ ва синтез қилиш учун зарур қоидалар, усуллар ва воситалар билан таъминлайди. Манба матнида нимани излаш кераклигини ўргатади, таржима қилинган матн қандай бўлишини ва таржимани қандай амалга оширишни тушунтиради” [Раҳимов 2015: 10].

Таржима лисоний, психологик, маданий, адабий жараёндир. Бундан англашиладики, таржима матни манба матни билан бир хил қийматга эга.

Ҳар иккала матн ҳам тилшуносликнинг бир хил қонуниятларига асосланиб, таржимон нутқи орқали яратилади. Манба матнида нейтрал ва ҳис-ҳаяжон сўзлар, архаик сўзлар, истиора, ўхшатиш, ўзлашмалар, шева, жаргон, баландпарвоз иборалар, ҳақорат сўзлар, мақол, иқтибос, нуксонли ва нотўғри нутқ шакли билан ифодаланган сўзлар каби лисоний бирликларнинг маъноси сақлаб қолиниши зарур. Манба матни фан оламида барча фанлар ва илмий соҳаларга тегишлидир.

Биламизки, инсонлар турли хил тилларда мулоқотга киришади. Улар айнан бир маданият доирасида шаклланган бўлиб, турли билим, ижтимоий ва тарихий ўтмишга эгадирлар. Бу табиий равишда таржимон стратегиясига таъсир кўрсатмай қолмайди, чунки манба матнидаги айрим тушунчалар таржима ўқувчисига қисман ёки тўлиғича тушунарсиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда таржимон манба матнидаги тушунчаларни тушунарли қилиб ўқувчига етказиши талаб этилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бирор бир тилдаги матнни, манба матнни иккинчи бир тилдаги матнга трансформация қилиш, ўзгартириш орқали, албатта, иккита матн ҳосил бўлади. Буларнинг биттаси бошланғич, дастлабки матн - аслият матни ёки манба матни бўлса, иккинчиси биринчи матн асосида маълум бир лисоний стилистик вазифаларни бажариш йўли билан вужудга келадиган таржима матнидир. “Аслият тилидаги матнни таржима тилидаги матнга алмаштиришда маълум бир инвариант сақланиб қолиши шарт; ушбу инвариантнинг сақланиб қолиш даражаси таржима матнининг асл матнга нисбатан муқобиллик ёки адекватлик даражасини аниқлаб беради” [Раҳимов 2015: 15]. Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Нима таржима жараёнида инвариант сифатида сақланиб қолади? Бу саволга жавоб топишда ҳар бир тил бирлиги шакл ва мазмунга эга эканлигини инобатга олиш керак. Бу борада тилларнинг шакл жиҳатидан фарқ қилувчи, аммо маъно жиҳатдан бир хил ёки ўхшаш бўлган тил бирликларига эгаллиги муҳим аҳамият касб этади. Масалан, немис тилидаги „Mutter“ сўзи ўзбек тилидаги “она”

сўзидан шакл жиҳатидан фарқ қилса-да, маъно жиҳатидан унга ўхшаш. Бундай ҳодисалар таржима жараёнини қийинлаштиради ҳам, аммо унинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмайди.

Таржима шаклига кўра ёзма таржима ва оғзаки таржима турларига бўлинади. Ёзма ва оғзаки таржима жараёни унда иштирок этувчи кишилар билан характерланади. Буни шундай изоҳлаш ҳам мумкин: таржима жараёнида таржима қилинадиган матн таржимоннинг диққат марказида тургани ва унга фақат таржима тугагандан сўнг баҳо берилганлиги боис ҳам ёзма таржимада матн “коммуникант” ҳисобланади. Бу оғзаки таржимада таржимон коммуникант билан бевосита алоқада бўлади.

Таржимашунос олим А.Ф.Федоров ёзма таржимани қуйидаги гуруҳларга бўлади:

- Газета хабарлари, расмий ҳужжат ва махсус илмий матнлар таржимаси.
- Оммавий-сиёсий адабиёт, публицистик (ижтимоий-сиёсий масалаларга оид адабиёт ва нотиклик нутқи) таржимаси.
- Бадиий асар таржимаси.

Оғзаки таржиманинг эса қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- Ёзма матнни оғзаки таржима қилиш. Таржимон аслият матнини аввал ичида ўқиб ёки абзац билан ўқиб, кейин оғзаки таржима қилади.
- Оғзаки матнни ёзма равишда таржима қилиш [Раҳимов 2015: 10].

Оғзаки таржиманинг бундай кўринишлари амалиётда камдан-кам учрайди. Оғзаки айтилган сўзларни стенография ёрдамида ёзиб олиниб, кейин стенографик матн таржимаси пайдо бўлади. Масалан,

 ? - ер юзи, дунё;

 х - инсоният;

 ! - қомус, конституция;

 “ - буйруқ, қарор [Минъяр-Белоручев 1969: 184-189].

Ёзма таржимада сиёсий-ижтимоий соҳага оид матнлар, яъни ҳужжатларни таржима қилишда эса сўз танлашга катта эътибор қаратиш

лозим. Сўз танлаш жараёнида таржима қилинаётган тилнинг эквивалентлари (муқобил сўзлар) муҳим аҳамият касб этади. Булар қуйидагилар:

1. Доимий эквивалентли сўзлар. Бу гуруҳдаги сўзларга реалиялар, газета тилига оид турли фразеологик бирликлар киради.

2. Сўз танлашда таржимон зиммасига жуда кўп эквивалентлар ичидан матнга, контекстга қараб муқобил вариантни танлаши лозим бўлади.

3. Сўз танлашнинг бу ҳолатида таржимоннинг ўзи эквивалент топишига тўғри келади.

Энди таржима жараёнида муҳим аҳамият касб этган, истиқболли ёзма таржиманинг муҳим қисми бўлган бадиий таржиманинг турлари ҳақида сўз юритсак.

Матн бадиий таржима жараёнида таржиманинг объекти, яъни таржимоннинг диққат марказида бўлган, энг кўп мурожаат қилинадиган материалдир. Ўз навбатида бадиий таржима ҳам матннинг энг муҳим аспектларидан бўлган шакл ва мазмунга кўра бир қатор турларга бўлинади. Булар:

- Ижодий таржима.
- Сўзма-сўз таржима.
- Эркин таржима.
- Образлаштирилган (идиомалаштирилган) таржима.
- Мослама таржима.
- Муаллифлаштирилган таржима.
- Тадбил таржима.
- Академик таржима.
- Билвосита таржима.

Юқорида тилга олинган таржима турлари таржима назарияси шаклланиши баробарида юзага келган. Шу ўринда, биз яна бир янги

таржима тури сифатида луғатни киритишни таклиф этамиз. Зеро, луғат ҳам бир пайтнинг ўзида икки тилдаги лисоний бирликларнинг матндаги ифодасини билдиради. Зеро, таржима жараёнида “таржимоннинг энг яқин дўсти луғатдир” [Шарипов 1972: 36]. Луғатлар таржиманинг бир тури ҳисобланиб, у хорижий тилларни ўрганишда, аслиятдаги матнларни таржима тилига ўгиришда муҳим восита ҳамдир.

Луғатлар энг кўп мурожаат қилинадиган матнларки, унда сўзлар ёки бошқа лисоний бирликлар бир қаторда тизилади, асосан алифбо бўйича тартибга келтирилади ва ҳар бир бош сўзга мос лисоний эквивалент тартибга солинади. Луғатлар бир неча аспектлар бўйича фарқланади. Жумладан,

1. Тилларнинг сонига кўра,
 - бир тилли (deutsch. Zum Beispiel: *DUDEN: Deutsches Universalwörterbuch*, *Wahrig: Deutsches Wörterbuch*, *Langenscheidt: Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache*)
 - икки тилли (deutsch-russisch, russisch-deutsch).
2. Қамровига кўра,
 - кичкина;
 - ўрта;
 - катта.
3. Мазмунига кўра,
 - умумий,
 - ўзига хос (ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий) луғатлар мавжуд.

3.2. Матн таржимасида муқобиллик масаласи

Таржима маълум бир тилда яратилган муайян матннинг бошқа бир халқ маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўқувчига бадиий-эстетик завқ улашиш учун хизмат қиладиган коммуникатив восита ҳисобланади. Чунки таржима матни манба матнига тенг, бир хил қийматга эга бўлиб, ўқувчида у каби бир яхлитликни пайдо қилиши керак. Шу ўринда С.Сирожиддинов,

“таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкониятига тенг даражадаги бадиий завқ, мазмуний ва мундарижавий (структуравий) уйғун мувозанатни (мувофиқлик) таржима ўқувчисига тақдим этишдир” [Сирожиддинов 2011: 17], деб ёзади. Таржима назариясида мувофиқлик даражаси мавжуд бўлиб, у таржима эквивалентлиги ва адекватлиги тушунчалари билан белгиланади.

Я.Рецкер илк бора тиллар ўртасидаги лексик мувофиқлик масалаларини ўртага ташлаб, жиддий ўрганган ва мувофиқлик турларини таснифлаган эди. Унга кўра мувофиқлик турлари уч турга бўлинади. Булар – эквивалент, муқобил ва адекват.

Эквивалентлик – муайян вақт ва макон учун контекстга боғлиқ бўлмаган доимий тенг даражадаги мувофиқлик тушунилади.

Муқобиллик – бу манба матн ва таржима матн ўртасидаги семантик, структуравий ва функционал жиҳатларнинг ўхшашлигидир. У икки матн, яъни манба ва таржима матн ўртасидаги бир-бирига юқорида айтилган жиҳатларга кўра ўхшаш, бир-бирининг ўрнини босувчи лисоний бирликларнинг ўрин алмашинувида юзага чиқади. Манба матни тил бирликларининг таржима тилида маълум муқобиллари мавжуд бўлгани учун, улар ҳар хил таржима матнларида ўша бирликларнинг ўрин алмаштирувчилари сифатида қўлланилади. Аниқроғи, таржима тили имкониятидаги бир неча синонимлардан бирини танлаб олган ҳолда қилинган муқобил таржима натижасидир. Таржима матнида эквивалент ҳар доим битта, муқобил вариантлари эса бир нечта бўлиши мумкин. Муқобиллик асосан фразеологизмлар, мақол ва ҳикматли сўзлар таржимасида фойдаланилади.

Адекватлик – мувофиқликнинг бир тури бўлиб, бу ҳақда Я.Рецкер, – “таржимон аслиятнинг ҳарфий исканжасидан, луғавий ва иборавий мувофиқликлардан қутулиши ва вазифанинг ечимини яхлитлик нуқтаи назаридан мазмун, ғоявий йўналиш ва аслият услубидан қидирмоғи лозим”, дейди. Адекват таржима бир мунча мураккаб жараён бўлиб, манба

матн парчалари таржимоннинг лисоний ва анъанавий билимлари даражаси ва ижодий қобилиятига қараб эквивалент таржима адекват таржимага айланади.

Кўплаб таржима назариялари мавжуд, уларни эксплицит ва имплицит назарияларга бўлиш мумкин. Эксплицит назария ҳақида шуни айтиш мумкинки, у қандай таржима жараёнини тасвирлаш пайдо бўлганлигини ва таржимонлар бу жараённинг натижаси эканлигини билдиради. Таржимон унинг ёрдами билан ўз таржима ишларини олиб боради.

Имплицит назариялар тўғридан-тўғри таржима жараёнидан ташкил топади. Унда манба матни таржима матни билан қиёсланади ва таржимон уни пухта ўйлаб кўради.

Немис олими Schleiermacher таржимон “матнларни шундай таржима қилиши керакки, аслиятнинг тил руҳияти ўқувчига етиб борсин” [Tomešková 2009: 18], - деб ёзади. У, хусусан, манба матни ва таржима матнидаги таъсир ўхшашлиги ҳақида гапиради ва таржиманинг икки асосий турини фарқлайди.

1) Бирор асар маъносини бошқа сўзлар билан айтиб бериш (die Paraphrase) - кўпроқ илмий матнлар таржимасига тегишли.

2) Нусха кўчириш (die Nachbildung) - бадиий матнларга хос.

Бундан ташқари, у бир тилдан бошқа тилга таржима амалиётини амалга ошириш учун таржимондан талаб этиладиган жиҳатлар ҳақида гапириб ўтади.

- манба матнининг моҳияти ва материални тўлиқ тушуниш;
- манба матни ва таржима матни тилини мукаммал билиш;
- манба матнини жон-жаҳди билан таржима қилиш;
- баландпарвоз сўзларни эмас, балки мос (муқобил) кундалик турмуш тарзида учрайдиган сўзларни таржима матнида қўллаш;
- яхши, ҳамжиҳат ҳаракат қилиш.

Кўриниб турибдики, таржима матнида таржима қилинаётган сўз, гап, период ва матнларнинг муқобил вариантларини, эквивалентларини ўрнида қўллаш таржиманинг савиясини белгилаб беради. Бу борада немис тилшунослари эквивалентлик тушунчасига турли хил ёндашдилар. Жумладан, немис тилида эквивалентлик тушунчаси манба матн ва таржима матн ўртасидаги муносабатни ифодалар экан, натижада таржима матни манба матн таржимасининг эквивалентлиги сифатида тушунмоқ лозим. Шундай экан, немис тилшуноси Albrecht “эквивалентлик бунда бир хилликни эмас, балки бир хил қийматга эгаликни англатади”, – деб қайд этган [Albrecht 2005: 33].

Бошқа бир немис олими Reiss эквивалент тушунчасини “бошқа-бошқа икки маданий шароитда пайдо бўлган иккита матннинг лисоний белгилари ҳамда матнлар ўртасидаги муносабат” [Reiss 1984: 131] сифатида тушунади. Бундан англашиладики, матн унсурлари ўртасидаги мавжуд эквивалентлик муносабатлари бутун матн учун эквивалент бўлолмайди ёки аксинча. У эквивалентлик тушунчасини адекватлик тушунчасига қарама-қарши қўяди ва буни манба матнининг танланган жиҳатларига нисбатан таржима матнидаги тил белгилари танловининг мутаносиблиги сифатида тавсифлайди [Reiss 1984: 133]. Шу маънода у таржиманинг тўртта типини келтиради.

- сўзма-сўз таржима
- филологик таржима
- коммуникатив таржима
- сўз ва иборалар яратишга оид таржима

Жумладан, сўзма-сўз таржима айни пайтда эскирган бўлиб, қадимда чет тилларни ўрганувчиларни имтиҳон қилиш учун хизмат қилган. Бу услубни аввалги “Библия” таржималарида ҳам кўриш мумкин. Бу орқали, шакл-шубҳасиз, эквивалентликка эришиб бўлмайди. Таржиманинг бу турида фақат манба матн структурасига эътибор қаратилган бўлиб, натижада таржима матни ҳаттоки тушунарсиз ҳолга келиб қолган.

Филологик таржимада эса муаллиф нутқининг таржима тилида эквивалентини қайта яратиш учун қайта-қайта фақат манба матнга мурожаат этилиши боис эквивалентликка эришиб бўлмайди.

Бундан ташқари, коммуникатив таржимада манба матнидаги ахборотни таржима тил воситалари билан беришга ҳаракат қилинади. Бу таржима турида муқобилликка эришиш мумкин. Чунки таржима “тили ўрганилаётган мамлакат маданиятида бир хил вазифага бевосита коммуникацияга хизмат қилади ва бунда аслиятга имкон даражасида барча жиҳатлари (синтактик, семантик ва прагматик) билан бир хил (тенг) эквивалент бўла олади” [Reiss 1984: 135]. Коммуникатив таржима ривожланишини бугунги кунда кўп қўлланиладиган матнлар таржимасига катта эътибор қаратилаётганлиги ва таржима қилинаётган асарни аслиятдагидек ўқиш имкониятини бериш учун бадиий асар таржимаси кўпроқ ўқувчига қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин [Reiss 1984: 135]. Таржима матни қурилиши учун тил белгилари танловининг адекватлиги, мутаносиблиги матнда эквивалентлик яратишга хизмат қилади.

Агар таржима тилида янги тушунчалар, қарашлар, тасаввурлар, нарсалар-предметлар ва бошқаларни қайта яратишга зарурат туғилса, сўз ва иборалар яратишга оид таржимани алоҳида таржима тури сифатида қайд этса бўлади. Бу таржима турида нарсаларнинг табиатидан келиб чиқиб, таржима эквивалентлигига эришиб бўлмайди, чунки бу манба матни яратилган маданиятда базавий билимлар таржима қилинаётган матн маданиятида йўқ бўлиши мумкин [Reiss 1984: 136].

Шу билан бирга, у адекватлик ва эквивалентлик ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида ҳам гапириб, иккала тушунчага қуйидагича тавсиф беради:

“Манба матни ва унинг унсурлари таржимасидаги а д е к в а т л и к — бу таржима жараёнида мазмуннинг кетма-кет, тадрижийлигини сақлашда таржима ва манба матн ўртасидаги ўзаро муносабат (боғланиш) ни ифодалайди. Агар таржима тилида лисоний белгилар танлови таржима

мазмун-моҳиятига қараб кетма-кетлиги таъминланса, адекват таржима қилиш мумкин” [Reiss 1984: 139].

“Э к в и в а л е н т л и к э с а бунга қарама-қарши, бир хил қийматга, бир хил даражага эга бўлган ва бир хил категорияга тегишли бўлган матн унсурлари ўртасидаги муносабатни ифодалайди” [Reiss 1984: 139-140]. Бундан англашиладики, эквивалентлик ҳар қайси маданиятда бир хил даражада ўхшаш коммуникатив вазифани бажарадиган таржима ва манба матн ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Бизнингча, эквивалентлик адекватликнинг махсус тури бўлиб, манба матни ва таржима матни ўртасидаги вазифавий ўзгармасликни тақозо этади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Reiss матн, гап ва сўз соҳаларидаги эквивалентликни ҳам фарқлайди. Матн эквивалентлиги – бу ҳар иккала, яъни манба ва таржима матнлар ҳар қайси маданиятнинг коммуникация ҳодисаларида бир хил вазифани бажаришидир [Reiss 1984: 142].

Бошқа бир немис олими Kollerнинг фикрича, эквивалент тушунчасига ойдинлик киритиш учун уч асосий мулоҳазага эҳтиёж сезилади [Koller 1992: 215].

1. Эквивалентлик тушунчаси таржима тилидаги матн ва унинг унсурлари, шу жумладан, манба тилидаги матн ва унинг унсурлари ўртасида таржима муносабатлари мавжуд эканлигини тақозо этади.

2. Агар таржима матнида маълум бир талаблар доирасида бажарилса, шундагина манба ва таржима матни ўртасида эквивалентлик мавжуд бўлади. Бу эквивалентлик талаблари учун у қуйидаги йўл-йўриқ (формула) ни келтиради: “Манба матни сифати, яъни мазмуний, стилистик, функционал, эстетик ва бошқа жиҳатлари таржимада сақланиши шарт, бунда лисоний, стилистик, матний ва прагматик шартлар маълумотлар қабул қилувчи нуқтаи назаридан келиб чиқиб эътиборга олиниши керак” [Koller 1992: 215].

3. Таржима тилидаги эквивалентлик манба тилидаги таржима бирликларига боғлиқ. Манба матн бирликлари билан таржима матн

эквивалентлари ўртасида ўхшашликлар ёки фарқлар маълумотлар сақланишининг турли хил даражасидан келиб чиқади.

Таржима жараёни W.Willsнинг коммуникацияга асосланган таърифини “матнни қайта ишлаш жараёни ва матндаги сўзлар устида ишлаш жараёни” сифатида тасвирлайди, қайсики, манба матнидан имкон даражасида эквивалент таржима матнига ўгирилганлиги ва аслиятнинг мазмун ва услубини тушунади [Koller 2001: 190].

Эквивалентлик муносабати атамаси учун қуйидаги хусусиятлар хос:

- таржима жараёнида икки тил иштирок этади, яъни манба ва таржима тили;
- матнлар – бу таржима натижаси;
- таржима ва манба матни ўртасида ўзига ўхшаш, бир хил тушунча ва услуб касб этган эквивалентлик муносабати мавжуд.

Эквивалентлик турлари ва унинг таҳлили мавжуд.

Эквивалентликнинг турли хил турлари ва босқичлари бор:

- мазмун эквивалентлиги;
- матн эквивалентлиги;
- стилистик эквивалентлик;
- экспрессив эквивалентлик;
- формал эквивалентлик;
- динамик эквивалентлик;
- функционал эквивалентлик;
- коммуникатив эквивалентлик;
- прагматик эквивалентлик.

Икки матн ўртасида эквивалентлик муносабати, аниқроғи, таржима муносабати бўлади.

Таржима тили эквиваленти манба тилидаги таржима бирликларига боғлиқ. Бу бирликлар ўртасида нафақат ўхшашликлар, балки фарқлар ҳам бор.

У беш турга бўлинади:

1) тилдан ташқи матн орқали узатиладиган факт (далил, исбот) – денотатив эквивалентлик;

2) матндаги вербализация тури тилнинг (синонимик имкониятлари танлови) услуб турлари, социолекти, частотаси – коннотатив эквивалентлик;

3) маълум матн турлари тегишли бўлган матн ва тил нормалари – матн норматив эквивалентлик;

4) ахборотларни қабул қилувчи, унга матн қаратилган бўлиб, у таржимани қабул қилиши керак – прагматик эквивалентлик;

5) маълум бир эстетик матн хусусиятлари, формал ва индивидуал матн хусусиятлари – формал эстетик эквивалентлик.

1) Денотатив эквивалентлик.

а) бирга бир мослик. Бунда синонимлар дунёсидаги қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Чунки таржимон бундай ҳолатда қайси синонимни танлаш кераклиги ҳақида ўйлаб кўриши керак. Масалан, *der Lack* – лак; жило, сайқал; сургуч.

б) бирга кўп мослик. Бунда таржимон контекстга ёки умумий билимларига эътибор қаратиши лозим. Зероки, мос ифодани танлаш жуда қийин. Масалан, хабар – *die Nachricht, der Bericht, die Meldung, der Bescheid, die Mitteilung*.

с) кўпга бир мослик. Таржима матнида фақат битта ифода мавжуд бўлган тақдирда, манба матнида кўплаб ифода танлаш имкониятини беради. Натижа таржимадаги нейтраллик ҳисобланади. Бу ҳаммасидан ҳам олдин янги пайдо бўлган воқеа-ҳодисаларнинг номланишига боғлиқ. Масалан, Чехиядаги вулқонларнинг пайдо бўлиши.

д) бирга ноль мослик (бўш жой). Бунда таржимон таржима тилида манба матнидаги ифоданинг эквивалентини топа олмай қолиши мумкин, айниқса бир ҳудуд учун хос номланишлар бўлганда. Бундай ҳолларда

таржимон берилган ифодани ўз ҳолича қолдириб, унга қисқача изоҳ беради. Масалан, *der Bundeskanzler*.

е) бир бир қисмга мослик. Таржима тилидаги ифода фақат қисман манба тилидаги ифода маъноси ўрнини боса олади. Бу асосан символик маъноларга хос. Масалан, ранглар, ўзбек тилида “оқ” сўзи – рангни, тозалик, озодалик, покизаликни, шу билан бирга ота-бола ўртасидаги салбий муносабат натижасини ҳам билдиради.

2) Коннотатив эквивалентлик. Турли хил матнларда ҳар хил коннотатив қиймат (белгилар) кузатилади, уларга алоҳида тилларда маълум бир ифода имкониятлари мос келади. Масалан, немис тилидаги „schreiben“ сўзини ҳам худди „eintragen, protokollieren, mitteilen, ankündigen, komponieren“ кабилар билан ифодалаш мумкин. Аммо бу ифодалар бир хил экспрессивликка эга эмас ва улар ҳар бир контекстда қўллаб бўлмайди. Коннотациялар бевосита услуб билан боғланган бўлади. Бир хил маъно касб этгани билан, бир маънога эга бир неча сўз матнда коннотатив қийматга эга.

3) Матн нормаларини белгиловчи эквивалентлик. Ҳар бир матн тури махсус тил воситалари қўлланилишини талаб этади, яъни қайси тил воситасини қайси матн турига қўллай олиш мумкин, бу матн турига боғлиқ. Ҳар қайси тил ўртасида қўплаб фарқлар мавжуд. Масалан, бу кичрайтириш шаклларида, вульгаризмларда намоён бўлади.

4) Прагматик эквивалентлик. Бунда таржимон бор эътиборини таржима матнининг ўқувчисига қаратади. Таржима қилинаётган материал – матн мутахассис(лар)га ёки номутахассис(лар)га, олий ёки ўрта маълумотлиларга, ёш ёки кекса кишиларга эканлиги эътиборга олинади. Шу боис, таржима матнларни, маълумотларни, қабул қилувчининг қарашларини ҳисобга олиб таҳлил қилади.

5) Формал-эстетик эквивалентлик. Таржима тилида бир хил ёки ўхшаш таъсир кўрсатиш учун худди манба матнидагидек аналогия қўлланилади. Аслида бу субституция воситадир. Таржимадаги ечим

исталган, талаб этилган эстетик параметрларга мос келиши керак. Масалан, шеърятдаги вазн структураси, кофиялар, тақлидий товуш (сўз) ва шу кабилар [Koller 2001: 229-236].

Бунда биз ушбу учта тушунчани таҳлил қила туриб, ўз муносабатимизни билдириб ўтмоқчимиз. Бу юқорида қайд этиб ўтилган тушунчалар, жумладан, эквивалентлик, муқобиллик ва адекватлик ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, маълум бир тил ва нутқ бирлиги таржимасида ўз аксини топади. Сўз ва сўз бирикмалари таржимасида эквивалентликка эришилади, муқобиликка эмас, фразеологизмлар, содда ва қўшма гаплар, шу билан бирга периодда ҳам муқобилликка эришиш мумкин, эквивалентликка эмас. Адекватликка эришиш учун маълум бир бадий асар парчаси, абзац ёки қисм, яъни маълум бир контекст бўлиши керак деган хулосага келсак бўлади.

Манба матни лисоний бирликларининг таржима матнида ҳамиша муқобиллари бўлиши табиий ҳол. Бундай бирликлар ва уларнинг таржима матнида муқобилликлари ўзаро мослашади. Масалан, немис тилидаги „Berlin“ сўзи ўзбек тилига “Берлин”, „Magister“ сўзи “Магистр” каби таржима қилинади, аниқроқ қилиб айтганда, трансформация қилинади. Бунда асосан манба матни контекстда муайян даражада мустақил маъно касб этган илм-фан ва техникага оид атамалар, атоқли отлар ва жўғрофий номлар ва шу каби аниқ хусусиятга эга сўзлар таржиманинг диққат марказида бўлади.

Бундан ташқари, манба матнининг тил бирликлари таржима тилида бир қанча муқобилликларга эга бўлиши мумкин. Бу икки ҳолатдаги лисоний бирликларнинг таржима тилида бир неча муқобил бирликлари бўлиши таржима жараёнида энг кўп учрайдиган ҳолатдир. Бундай кўп муқобилликларнинг мавжуд бўлиши, манба матнида лисоний бирликларнинг қандай тарзда ишлатилганлиги ва таржима матнидаги муқобилларини фарқлай олиш зарурлигини инобатга олган ҳолда таржима жараёнида муқобиллардан бирини танлаб, мос жойда ишлатиш зарурияти

пайдо бўлади. Лисоний бирликларнинг турига кўра таржима муқобиллиги куйидаги аспектларга бўлинади: лексик, фразеологик ва грамматик.

Танланган икки тилдаги муайян элементлар структураларининг бир ёки бир неча компонентлари бир-бирига қайсидир маънода мос келса-да, тўлиқ мос келмайди. Таржима тилида мос муқобил вариантыни танлаш маълум бир семантик элементнинг коммуникация пайтида вазиятни тақозо этади. Масалан, немис тилидаги „ledig“ сўзи “уйланмаган, турмушга чиқмаган” маъносини англатибгина қолмасдан, “бирон бир ёқимсиз нарсадан озод бўлмоқ, холос бўлмоқ” каби маъноларни ҳам ўзида муажжасам этган бўлади. Немис тилидаги „pelzig“ сўзи “ғудур-будурли, ғудурушли, жунли” деган маънодан ташқари “ёқимсиз совуқ ва қуруқ, ҳиссиз, қарахт” маъноларни ҳам англатади. Шу боис ҳам „Die Frau ist ledig“ гапи ўзбек тилига “Аёл турмушга чиқмаган” деб таржима қилинса, „Die Frau ist der Sorge ledig“ гапи эса ўзбек тилига “Аёл ташвишдан холи” деб таржима қилинади.

Манба матн тилидаги битта сўз таржима тилида бир-бири билан боғлиқ бўлмаган муқобилликларга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, немис тилидаги „die Gegend“ сўзи ўзбек тилига “ландшафт, ҳудуд, (шаҳар) квартал, маълум бир қисми, жойи, соҳа (танага нисбатан ишлатилади), аҳоли” деб таржима қилинади. Манба матнидаги бу сўз муайян бир коммуникатив ҳолатга қараб танлаб ишлатилади. Бунда контекстдаги коммуникативлик муҳим аҳамият касб этади.

Манба матн тил бирликларининг таржима матнида муқобиллари мавжуд бўлса-да, бу муқобил сўзларни доимий равишда таржима матнида қўллаб бўлмайди. Таржима муқобиллиги зарурат нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўрин алмашади ва бу таржимоннинг муқобиллик танлаши, манба матнидаги тил бирликларининг контекстдаги жойлашувига боғлиқ бўлади.

Маълумки, контекстнинг икки тури мавжуд:

- лингвистик (лисоний) контекст;
- ситуацион (вазият) контекст.

“Лингвистик контекст манба матнидаги бошқа тил бирликлари орқали ясалса, ҳолатга боғлиқ контекст манба матни яратилган замон ва макон шароитларини ҳамда етказилаётган хабарни рецептор қониқарли даражада тушуниб олиши учун билиши керак бўлган факт (фон билим) ларни ўз ичига қамраб олади” [Раҳимов 2015: 56].

Ушбу лингвистик ва ситуацион контекстлар таржимонга манба матн тил бирликларини тўғри таҳлил қила олиш имконини беради. Бу таҳлил орқали манба матн тилидан тил бирликларининг таржима тилидаги мос муқобилини танлай олишига ёрдам беради ва ушбу бирликларнинг мос маъносини ўз ўрнига қўя олади. Масалан, таржимон қуйидаги учта мисолда лингвистик контекст ёрдамида немис тилидаги „die Gegend“ сўзига ўзбек тилида мос келадиган муқобилини танлаб таржима қилади.

1. *Unsere Reise führte uns durch die schönsten Gegenden Frankreichs.*
2. *Er fühlt sich Schmerzen in der Gegend des Herzens.*
3. *Die ganze Gegend strömte zusammen, als die Kirche brannte.*

Келтирилган гапларнинг биринчисида „die Gegend“ сўзи ўзбек тилига “ландшафт” тарзида, иккинчи гапда эса “қисмида, соҳасида” каби, учинчи гапда эса “аҳоли, омма, халқ” тарзида таржима қилинади. Манба матн таржима матнига шу каби таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна шунга эътибор бериш лозимки, ситуация контекстида ҳолат аниқланмагунча кўп ҳолларда таржима матнида тўғри муқобилликка эришиб бўлмайди. Масалан, *Alma Mater* сўзи контекстдаги ҳолатга қараб, турлича таржима қилиниши мумкин. Агар ушбу сўз немисча матнда келганда, ўзбек ёки рус тилларига “университет” каби таржима қилинса, худду шу сўз (американча) инглизча матнда келса, ундай ҳолатда бу сўз ўзбек тилида “мактаб ёки университет гимни” деб тушунилади.

Манба матн тилининг етарли даражада аниқ муқобилликлари мавжудлиги улардан бири, албатта, таржима матни таржимасида, шакл-шубҳасиз, ишлатиш заруратини туғдиради дегани эмас. Чунки бу

таржимоннинг муқобилликлар орасидан энг мақбулини танлаб олиб ишлатиши унинг қобилиятида, малакасида намоён бўлади. Зотан, контекст ҳар сафар ҳам таржимонга муайян бир муқобилликни танлаб ишлатиш имконини бермайди. “Таржимон бунда бирликларнинг маъносини тўғрироқ етказиб бера оладиган ситуацияга боғлиқ ҳолда шу замоннинг ўзида яратилган муқобилликларни ишлатиб, таржима қилиш усулини қўллаши керак бўлади. Манба тили бирликларининг аниқ бир контекстга мос келадиган бундай таржимаси вазиятга кўра муқобиллик ёки контекстга боғлиқ муқобиллик, деб таърифланиши мумкин” [Раҳимов 2015: 57].

Бундан ташқари, манба матни контекстидаги ҳолат таржимонни ҳамиша таржима тилида муқобилликнинг ўзини бериш имконини бермайди, балки ўзгача, мазмунни сақлаган ҳолда танлаши мумкин. Манба матнда учрайдиган географик номлар таржима тилида шакли ўзгармасдан, бир хил кўчирилиши орқали муқобилликка эришиш мумкин. Масалан, Тюрингия федератив ерида жойлашган кичкина, аммо жуда чиройли бўлган талабалар шаҳри номи бўлган „Jena“ сўзи ўзбек тилига шаклини сақлаган ҳолда ўзгаришсиз “Йена” деб таржима қилинади. Аммо шу сўз ишлатилган гап, ўқувчига бошқа муқобили билан ҳам бериш мумкин. Мисол учун, „*Er hat sein Masterstudium in Jena abgeschlossen*“ гапи доимий муқобиллик билан таржима қилинмайди, чунки ўзбек ўқувчиларига Йена шаҳри ўзининг Фридрих Шиллер университети билан машҳурлиги барчага маълум. Шу билан бир қаторда, юқоридаги сўзнинг муқобилини бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган немис адибининг номи билан аталган университет сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. “*У магистратурани Фридрих Шиллер университетида тамомлаган*” каби таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, ўқувчи контекстан англашиладиган маънони яхши англамай қолиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таржимон манба матндан таржима матнига тил бирликларини тайёр муқобилликлар ёрдамида ўгиришда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмайди. Аммо таржима

жараёнида ҳолатдан келиб чиққан ҳолда муқобиллик топиш ва танлаш таржимондан юқори даражадаги маҳорат ва ўз соҳасининг етук билимдони бўлишини талаб қилади.

Манба матнида фразеологик бирикмалар ҳам бўлиши табиий ҳол. Фразеологик бирикмаларнинг муқобиллигида ҳам худди юқорида тилга олинган жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади. Фразеологик бирикмалар ва идиомалар ҳам доимий ва ҳар хил муқобилликларга эга бўлади. Масалан, немис тилидаги „*tief in die Tasche greifen müssen*“ фразеологик бирикмаси ўзбек тилига „*катта чиқим, сарф харажат қилмоқ, қўли очиқлик қилмоқ*“ деб таржима қилинади. Немис тилидаги бу каби муқобил фразеологик бирикмалар ўзидаги барча семантик жиҳатларни намоён этади ва матндаги контекстларда ишлатилиши мумкин. Бошқа манба матндаги доимий муқобилликларнинг кўчма маъноси бўлишига қарамасдан, улар ҳар хил тасвирий маъноларни ифодалаганлиги туфайли уларнинг маънолари ҳам ҳар хил. Масалан, „*ein Haar in der Suppe finden*“ фразеологик бирикмаси „*қилдан қийиқ қидирмоқ, тирноқ остидан кир қидирмоқ, ўчакишмоқ, норози бўлмоқ*“ тарзида таржима қилинади.

Таржимон таржима матнида қанақа грамматик бирликларни қўллай олиши, ўша бирликларнинг семантикаси ва бошқа элементларга бирика олишига боғлиқ. Шу боис ҳам, доимий муқобилликлар деярли йўқ. Манба матнидаги грамматик бирликлар таржима тилидаги грамматик бирликлар билан шаклан ўхшамаса-да, семантик жиҳатдан ўхшаш бўлиши мумкин. Бунда муқобилликлар бир-бирининг ўрнини боса олмайди, шу боис ҳам таржимон контекстга қараб мақбулини танлаб олади. Масалан, немис тилидаги „*Als der Pfarrer ans Bett des Sterbenden geholt wurde, hatte er noch Atem geholt*“ гапида *holen* феъли ўзбек тилига қуйидаги икки муқобилликка тўғри келади: бош гапда „чақирмоқ“, эргашган қўшма гапда эса „нафас олмоқ“ маъносида таржима қилинади.

Юқоридагилардан аён бўладики, таржима матнида грамматик birlikлар лексик ва фразеологик birlikларга қараганда кўпроқ вазиятга боғлиқ бўлади.

Манба матнда яна шундай тил birlikлари борки, уларнинг таржима тилида доимий муқобил вариантлари мавжуд эмас. Масалан, манба матнидаги “Der Kanzler”, “der Kaiser”, “der Militarismus” сўзларининг таржима матнида муқобиллиги кам ёки умуман мавжуд эмаслик ҳолатлари учрайди. Шу боис бу каби сўзлар ўзбек тилида муқобили бўлмагани учун манба матнида қандай шаклда бўлса, шундай таржима матнида трансформация қилинади ва ўқувчи учун тушунарли бўлиши учун саҳифа сўнгига “давлат бошқарувчи (бошлиғи)”, “германлар империяси императори”, “ҳарбий сиёсат юритадиган тузум” каби изох берилади. Бундай миллий характерга эга, ўзига хос сўзларда муқобиллик қисман мавжудлиги ёки бўлмаса, умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Шу билан бирга, умуман муқобиллиги мавжуд бўлмаган сўзлар ҳам учрайди. Масалан, немис тилидаги „mobil“, „frisch“ „der Zahnstocher“ сўзларининг ўзбек тилида умуман муқобили йўқ. Бундан ташқари, муқобиллиги бўлмаган грамматик шакл ва категориялар ҳам мавжуд. Масалан, немис тилидаги артикль тушунчаси ўзбек тилида йўқ.

Манба матнида муқобил варианты мавжуд бўлмаган тақдирда, контекстдаги ҳолатга қараб топилган муқобилликлар қуйидаги усулларда яратилади.

1. Манба матнидаги сўз ёки сўз бирикмасининг таржима тилида ҳеч қандай ўзгаришга учрамай тақлид қилиш орқали ишлатилиш усули. Масалан, “*Der Kanzler*” – канцлер (давлат (бошлиғи) бошқарувчиси), “*der Kaiser*” – кайзер (герман империяси императори), “*der Militarismus*” – милитаризм (ҳарбий сиёсатга асосланган тузум).

2. Таржима матнида маъноси яқин бўлган муқобилликларни ишлатиш усули. Бундан ташқари, бу усулда таржима тилида маъноси яқин бўлган сўзлар ҳақида қўшимча (маъно) маълумот етказиб бериш учун

саҳифа пастига қисқача изоҳ бериш билан сўзнинг маъноси кенгаяди. Масалан, „*die Krankenkasse*“ – саломатлик суғуртаси. Агар ўқувчи таржима матнида ушбу сўз таржимасига дуч келса, табиийки, шу заҳоти тушунмайди, шунинг учун ҳам ўқувчида аниқ тасаввур пайдо бўлиши учун саҳифа сўнгида бу сўз ҳақида тўлиқроқ маълумот берилади. Аммо айрим ҳолларда муқобиллик энг яқин маънога эга бўлгани учун ҳам, у бемалол таржимада ишлатилиши мумкин.

3. Манба матнидаги сўзнинг маъносини алмаштирувчи турли хил лексик (семантик) трансформацияларни ишлатиш усули. Масалан, „*Das macht mich (ganz) krank*“ гапи ўзбек тилига “Бу мени адои тамом қилади” ёки “Бу мени асабимга тегаяпти” каби таржима қилиш имкониятлари мавжуд.

4. Манба матнидаги сўзнинг маъносини етказиб бериш учун изоҳлар бериш усули. Масалан, *die Ausländerbehörde* – Германияда чет эллик фуқароларни рўйхатдан ўтказадиган ва уларга виза берадиган ташкилот.

Шу билан бир қаторда таржима матнида муқобиллиги бўлмаган фразеологик бирикма ва идиомалар ҳам мавжуд. Масалан, немис тилидаги „*bei Wasser und Brot sitzen*“ идиомасининг ўзбек тилида муқобил варианты йўқ. Бундай ҳолларда шу каби идиомаларнинг таржима тилига сўзма-сўз таржима қилиш ёки уларнинг кўчма маъносини изоҳлаб бериш орқали ўгирилади. Масалан, қамалмоқ, ризқи, насибаси узилмоқ, сув, нонсиз қолмоқ .

Манба матндаги грамматик шакллар ва категорияларда муқобиллик қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Манба матнидаги бирон бир грамматик бирлик таржима матнидаги грамматик бирликнинг маъносига биров яқин бўлса, бу бирлик таржима қилинмаса, “нол” таржима деб аталади. Бу бирлик таржима қилинмасдан, ташлаб кетилиши мумкин. Масалан, *Warst du schon (einmal) in Japan?* гапидаги *schon* сўзи берилган гапнинг ўтган замонда юз

берганлигини англантиб турибди. Шунинг учун ҳам ҳам ўтган замонга алоҳида урғу бериб, таржима қилиш шарт эмас.

2. Бу усулда таржимон манба матнидаги муқобиллиги бўлмаган бирликка таржима матнидаги муайян birlikни, шаклни қисман муқобиллик сифатида танлаб олади. Бу таржима муқобиллигининг тахминий усули деб аталади. Масалан, „*Mit sechs Jahren kommen die Kinder dann in die **Grundschule**, die im Allgemeinen eine Dauer von 4 Jahren (in Berlin und Brandenburg 6 Jahren) hat*” – *Болалар олти ёшга кирганларида умумий 4 йиллик (Берлин ва Бранденбургда 6 йиллик) бошланғич мактабга борадилар.* Ушбу манба матнидаги гап аниқловчи эргаш гап билан ифодаланган бўлса-да, таржима матнида шунчаки аниқлови тарзида ўгирилаяпти. Бундан ташқари, предлог таржима тилига ибора тарзида берилаяпти.

3. Бу усул муқобилликнинг трансформацион усули бўлиб, бунда таржимон грамматик трансформацияларнинг бирига мурожаат қилади. Масалан, „*Mein Bruder ist im Moment nicht da. Er kommt erst am Abend wieder*” - *Менинг акам айни дамда бу ерда эмас, у аввали кечқурун қайтиб келади.* Ушбу гапда гапнинг синтактик бўлакларининг бирлашуви ҳодисаси юз берди.

Таржима жараёнида таржимоннинг тили ва адабиётидаги анъаналари, миллий маънавияти бевосита таржима руҳига таъсири этади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таржима муқобиллигини таъминлашда рецептор позициясидан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.3. Учинчи боб бўйича хулосалар

Матн билан ишлаш, айниқса, матнларни бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилиш оғир ва машаққатли ишдир. Таржимон бадиий асарни таржима қилиш учун шоир ёки ёзувчи бўлиши билан бирга, унда таржима қила олиш қобилияти ҳам бўлиши керак. Бундан ташқари, у нафақат ўз она тилини яхши билиши, балки таржима тилини ҳам мукамал, у тилнинг

нозик жиҳатларини тез пайқаб олиши энг муҳим шартлардан биридир. Энг асосийси, таржимон билим доираси кенг, турмуш тажрибасига эга, юксак маданият соҳиби бўлмоғи ҳам талаб этилади.

“Адабиётшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳеч бир халқ адабиётини бошқа адабиётлардан ажратиб олиб, алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Чунки жаҳон адабиёти ягона организм бўлиб, у катта-кичик турли миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ривожидан таркиб топади. Кишилар ер юзининг турли минтақаларида яшаб келишларидан қатъи назар, яратилган маънавий бойликларини ўзаро баҳам кўришга интилоқдалар, бир-бирларининг санъатидан, бадиий кашфиётларидан завқланиб, қалбан ва руҳан яқинлашиб бормоқдалар” [Раҳимов 2015: 45].

Матн халқлар ўртасидаги маданий-маърифий, сиёсий-иқтисодий жабҳаларда муносабатга киришишларида муҳим аҳамият касб этади. У халқларнинг маданий бойликларини, кўп асрлик эзгу армонларини, ғоя ва қарашларини ўзида йиллар давомида мужассам этган бўлади. У турли - туман тилларда яратилган асарларнинг таржима орқали ўзга тил вакилларига етказишда воситачи бўлиб хизмат қилади. Демак, манба матнидаги доимий муқобилликларнинг таржима матнида мавжуд эмаслиги тил бирликларининг маъноси таржимада очиб бермайди, деган хулосага келмаслик керак.

Юқоридагилардан аёнки, манба матн тил бирликларининг доимий муқобилликлари мавжуд бўлса ҳам, уларнинг таржимаси аксарият ҳолларда контекстдаги вазиятга қараб таржима қилинади.

Таъкидлаб ўтилганидек, муқобиллар манба матн тил бирликлари учун тўғридан-тўғри ўрин алмаштирувчи бўла олмайди, аммо улар қониқарли таржима қилишда муҳим аҳамият касб этади. Агар таржимон муайян сўз ёки сўз бирикмаларининг доимий муқобилликларини билса, турли хил муқобилликлар орасидан маҳорат билан мосини танлай олса ва контекстнинг барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ҳолатдан келиб

чиққан муқобилликлар топишда билим кўлами кенг бўлса, у таржимада маълум бир муваффақиятга эришади ва натижада мукаммал таржима пайдо бўлади. Барча соҳаларда, жумладан, фан, маданият ва техника соҳаларида рўй бераётган аксарият оламшумул ҳодисалар бевосита таржима туфайли оммалашади. Айниқса, матн таржимаси бадиий асарлар таржимаси натижасида ўқувчиларнинг тарбиявий, сиёсий, ғоявий ва эстетик онги ошиб боришида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Демак, матн тилдан тилга кўчиб ўтар экан, воситачи тиллар таржима матнида ўзининг сезиларли изини қолдиради. Натижада, таржима қилинаётган матннинг прагматик хусусиятлари хиралашиши, миллий характери, мазмуни, сўзлар семантикаси ҳам ўзгариб боради. Матн бир тилдан иккинчи тилга, иккинчи тилдан учинчи тилга ва ҳоказо тилларга таржима қилинар экан, таржима матнида шакл ва мазмун, руҳ ва оҳанг муайян даражада бегоналашади. Манба матнидан бевосита таржима тилига амалга оширилган таржимада эса муқобиллик маълум даражада сақланади.

Таржима матнида муқобилликка эришишда, айниқса, фон билимлари катта рол ўйнайди. Бунда таржимон асар муаллифининг шахсий ҳаёти ва таржимаи ҳолидан тўлиқ хабардор бўлиши шарт. Бундан ташқари, у матн яратилган даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, муаллифнинг ижодига таъсир этиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни билиши талаб этилади. Энг асосийси, у матнни яратган халқ менталитети ва қадриятларига оид билимларга эга бўлиши, шунингдек, матн муаллифининг ижодкор сифатидаги индивидуал услуби қирраларидан хабардор бўлиши лозим.

ХУЛОСА

Ўзбек фан оламида матн тилшунослиги филологиянинг янги соҳаларидан бўлиб, унинг тадқиқот объекти барча турдаги матнлар, кўлёмалар, бадиий асарлар, шеърлар ва ҳоказолар бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, яъни соҳанинг янгилигини ҳисобга олиб, ушбу ишда немис, ўзбек ва рус олимларининг матн тилшунослигига, матн тушунчаси ва ҳодисасига ҳамда интерматн ва интерматнлик тушунчасига оид қарашлари, фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди. Шунингдек, матнга хорижий тил (лар) нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, матн таржимаси, манба матн таржимасида муқобиллик масалаларига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, матн тушунчаси нафақат стилистика билан, балки адабиёт билан, хусусан, жаҳон адабиёти билан ҳам, шунингдек, маданият антропологияси билан ҳам узвий боғлиқ.

Бизнингча, матн ҳодисаси юқорида номлари қайд этилган соҳалардан энг яқин алоқада, муносабатда бўлгани – стилистика соҳасидир. Чунки матн иккала соҳанинг ҳам тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

Бир нарса аёнки, матн тилшунослиги ва стилистика ўртасида ҳамиша рақобат мавжуд. Чунки улар умумий характерга эга. Зотан, бу икки соҳа ҳам матн таҳлили билан шуғулланади. Матн матн тилшунослиги нуқтаи назаридан “Нима матнни матнга айлантиради”, стилистика нуқтаи назаридан эса “матн нима учун бунақа шаклланган” деган муносабатда бўлади.

Маълумки, матн бир умумий композиция бўлиб, у матннинг икки аспектини ўзида мужассам этади. Биринчиси – бу матн композицияси бўлса, иккинчиси эса – матн архитектурони ҳисобланади.

Яна шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, матн интерпретациясида, энг аввало, матннинг коммуникатив доираларини аниқлаб олиш керак. Бу коммуникатив доира услубларининг

коммуникатив вазифасига кўра, қуйидагиларга бўлинади. Булар – кундалик тил, давлат тили, илмий тил, публицистик тил ва бадий тил услубларидир.

Манба матнидаги мавжуд кўп маъноли лексик ёки фразеологик бирикмалар контекст ёрдамида аниқланади. Манба матни тили ва матн хусусиятларини билмаса, муаллиф дунёқараши идрок этолмаса, контекстан беҳабар бўлса, таржимада муқобилликка эришиш мураккаб кечади. Таржимон манба матннинг бадий ва эстетик қийматини таржима матнида тенг акс эттириши учун ҳаёт фалсафаси, физик, социал, психологик ва бошқа ғайрилисоний ва ғайрибадий жараёнлар мазмун моҳиятидан, шунингдек, уларни бадий акс эттириш методларидан хабардор бўлиши талаб этилади. Айниқса, шеър таржимасида жанр талаблари, хусусан, шеърда акс этган руҳият ва оҳангни сақлаш ҳам муқобилликни таъминлашдаги энг муҳим омил бўлиб, таржимондан шеър санъатидан ҳам талаб даражасида хабардор бўлишини тақозо этади.

Таржима матнида муқобилликни рецептор позициясидан баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун муқобилликни таъминлашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

❶ икки матн, яъни манба матн ва таржима матн прагматик салоҳиятини тенглаштириш;

❷ ўқувчи (рецептор) нинг билим ва тафаккур дунёсини ҳисобга олиб, бадий тасвирни идрок этишига имконият яратиш;

❸ манба матннинг миллий, этнопсихологик, лингвокултурологик заминидан узоқлашмаслик.

Таржима жараёнида муқобилликка эришиш учун таржимондан қуйидаги фон (маънавий) билимларига эга бўлиши талаб этилади:

■ манба матн муаллифининг шахсий ҳаёти ва таржимаи ҳоли;

■ манба матн ёзилган даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, муаллифнинг ижодига таъсир этиши мумкин бўлган ички ва ташқи омиллар;

манба матн муаллифи мансуб халқ менталитети ва қадриятлари;
манба матн муаллифининг ижодкор сифатидаги индивидуал
услуги қирралари.

Энг асосийси, манба матн муаллифининг ғоясини англаш учун ўша тарихий шароит, ундаги муаллифнинг позицияси ва давр руҳияти билан чуқур ўрганиб чиқиш лозим. Айрим таржимонлар манба матн руҳиятига кириш мақсадида таржимага ўта маъсулият билан ёндашишади. Ҳаттоки асар ёзилган давлатга ва айнан воқеа тасвирланган ҳудудларга ташриф буюрган ҳолатлар ҳам бўлган. Натижада манба матн билан тенглаша оладиган нодир таржималар пайдо бўлади.

Айниқса, матн билан ишлаш, матн танлови ва матннинг қайси соҳага тегишли эканлиги хорижий тил сифатида ўрганиладиган немис тили дарсида муҳим касб этади. Зероки, тил ўрганаётган ўқувчи компетенциясидан келиб чиққан ҳолда матн танлаш тил ўрганиш самарадарлогини оширмасдан қолмайди. Мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида республикамызда бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, айти дамда вилоятимиз миқёсида “халқ таълими тизимидаги 49 та таянч ва 9 та тажриба-синов мактабида табиий фанларни чет тилида ўқитиш, узлуксиз таълим тизимининг кейинги узвий босқичи бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чет тили таълимини янги сифат босқичига кўтариш борасида Самарқанд давлат чет тиллар институти жамоаси томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда” [Раҳимов 2015: 7].

Шундай экан, тилшуносларнинг бу борада қиладиган ишлари ҳали кўп. Ҳар бир фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш энг асосий вазифаларимиздан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

II. Илмий адабиётлар

2. Абдуллаева Л. Стилистическая дифференциация лексики узбекской художественной литературы. Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. - Ташкент, 1980. – 48 с.
3. Арутюнова Н.Д. Проблемы синтаксиса и семантики в работах Ч. Филмора // «Вопросы языкознания», 1973, № 1, - С. 117-124.
4. Ахмедов А. Лексика поэзии Фурката. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1961.
5. Баевский В.С. Структурализм // Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – С. 426-427.
6. Бафаев Б. Лексика произведений Алишера Навои. Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. – Ташкент, 1989. – 44 с.
7. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент, 1983. – 157 б.
8. Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. – Москва, 1965. – 527 с.
9. Бегматов Э. Собственный пласт лексики современного узбекского литературного языка. Дис. ...д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988. – 322 с.
10. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, 1985. – 200 б.
11. Белозёрова Н.Н. Интегративная поэтика. – Тюмень: ТГУ, 1999. – 205 с.
12. Боймирзаева С., Амирова Н. Матн коммуникатив-прагматик мазмунида темпораллик. // Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспектлари, 2015. – Б. 14-17.

13. Витгенштейн Л. Избранные философские работы. Пер. с нем. и англ. В.Руднева. – Москва: Издательский дом «Территория будущего», 2005. – 440 с.
14. Гафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2012. – 216 б.
15. Ильин И.П. Постмодернизм: словарь терминов. – Москва: ИНИОН РАН, INTRADA, 2001. – 384 с.
16. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 123 б.
17. Каримова М. Матн ҳақида мантикий савол // Тил ва адабиёт таълими, 2015, 1-сон. - Б. 48.
18. Категория залога. Материалы конференции. – Ленинград, 1970 – 64 с.
19. Кручинина И.Н. Некоторые тенденции развития современной теории сложного предложения // Вопросы языкознания, 1973, № 2. – С. 111-119.
20. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент, 1982. – 87 б.
21. Лингвистический энциклопедический словарь. // Гл. ред. В.Н.Ярцева. – Москва: Советская энциклопедия, 1990. – 685 с.
22. Лосева Л. М. Как строится текст. – Москва, 1980. – 96 с.
23. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии: Анализ поэтического текста // Ю.М.Лотман; М.Л.Гаспаров. – СПб.: Искусство – СПб, 1996. – С. 24-25.
24. Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998. – С. 14-285.
25. Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. 2006, №2 (11). – Б. 47-51.
26. Мельчук И.А., Холодович А.А. К теории грамматического залога // Народы Азии и Африки, 1970, № 4. – С. 111-124.
27. Милиев С. Художественная функция слова в художественном контексте (на материале узбекской советской поэзии). Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.

28. Минъяр-Белоручев Р.К. Пособие по устному переводу. – Москва: Высшая школа, 1969. – 192 с.
29. Миртаджиев М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. Автореф. дис. ...д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 45 с.
30. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент, 1975. – 140 б.
31. Москальская О.И. Проблемы семантического моделирования в синтаксисе // Вопросы языкознания, 1973, №6. - С. 33-43.
32. Москальская О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. – М., 1974. – 156 с.
33. Мухин А.М. О предложении, синтагме и фразе (В связи с вопросом об основной синтаксической единице) // Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. – Л.: Наука, 1975. – С. 101-109.
34. Насыров И. Лексика «Мажалисан нафоис» Алишер Навои. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980.
35. Раҳимов Ғ.Х. Таржима назарияси ва амалиёти. – Самарқанд, 2015. – 200 б. (қўлёзма)
36. Раҳимов Ғ.Х. Тил – халқлар ўртасидаги кўприк // Ўзбекистон овози, 2015, Маҳсул сон. – Б. 7.
37. Розенталь Д.Э., Голуб И.Б., Теленкова М.А. Современный русский язык. 10-е издание. – Москва: Айрис-пресс, 2008. – 448 с.
38. Рустамов А. Сўз ҳақида сўз. – Тошкент, 1987. – 160 б.
39. Саломов Ғ.Т. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 232 б.
40. Сат К.А. Синтаксическая категория периода в истории филологической науки // Филологические науки, 2010, №2. – С. 80-89.
41. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: “Mumtoz so’z”, 2011. – 163 б.
42. Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. – Москва, 1933. – 272 с.
43. Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1977. – 695 с.

44. Тименчик Р.Д. Тартуско-московская семиотическая школа глазами ее участников // Ю.М.Лотман и тартуско-московская семиотическая школа. – Москва, 1994. – С. 265-298.
45. Тураева З.Я. Лингвистика текста. – Москва: Просвещение, 1986. – 127 с.
46. Турниёзов Н. Матн лингвистикаси. Маърузалар матни. – Самарканд: СамДЧТИ, 2004. – 60 б.
47. Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш». Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 19 с.
48. Турсунов У., Ёринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 264 б.
49. Тынянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. – Москва: Наука, 1977. – 576 с.
50. Тынянов Ю.Н., Якобсон Р.О. Проблема изучения литературы и языка // Поэтика. История литературы. Кино. – Москва, 1977, – С. 282-283.
51. Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1982.
52. Умуркулов Б. Сўз танлаш санъати. – Тошкент, 1985. – 28 б.
53. Холбеков М. Таржима назариясининг лингвистик принциплари (1980-2000 йиллар) // Филология масалалари, 2009 йил, 1-сон. – Б. 49-53.
54. Холбеков М.Н. Структур адабиётшунослик. – Тошкент: Наврўз, 2014. – 140 б.
55. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матнинг прагматик талқини: филол. фан. докт. дисс. Автореферати. – Тошкент, 2001. – 42 б.
56. Ҳақимов М.Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филология фанлари н-ди ...дисс. – Тошкент, 1993.
57. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – 168 б.
58. Ҳозирги ўзбек адабий тили, I том. – Тошкент, 1966. – 392 б.

59. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология, фонетика, графика ва орфография, морфология. – Тошкент, 1957. – 527 б.
60. Чарыев Б. Некоторые вопросы лексики поэзии Гафура Гуляма. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1972.
61. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 260 б.
62. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент, 1986. – 124 б.
63. Ямпольский М.Б. Память Тиресия. Интертекстуальность и кинематограф. – Москва: РИК «Культура», 1993. – 464 с.
64. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. – Leningrad, 1966. – 283 S.
65. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. – Л.: Просвещение, 1972. – 312 с.
66. Albrecht J. Übersetzung und Linguistik. – Tübingen: Narr, 2005. – 313 S.
67. Beniulienė A. Interpretation literarischer Texte. – Vilnius, 2004. – 80 S.
68. Bierwisch M., Heidolph K.E., Motsch W., Neumann W., Suchsland P. Grammatiktheorie, Sprachtheorie und Weltanschauung. // Linguistische Studien. Reihe A, Heft 1, Berlin 1973. – 149 S.
69. Brinker K., Antos G., Heinemann W., Sager S. Text-und: Ein internationales Handbuch zeitgenössischer Forschung, 1.Halbband, – Berlin, 2000. – 884 S.
70. de Beaugrande R., Dressler W. Einführung in die Textlinguistik. – Tübingen, 1981. – 290 S.
71. Duden. Die Grammatik. Band 4. – Mannheim – Leipzig – Wien – Zürich: Dudenverlag, 1998. – 912 S.
72. Erben J. Abriß der deutschen Grammatik. – Berlin, 1964. – 316 S.
73. Fiedler W. Die funktionell-semantische und die morphologische Kategorie des Genus verbi im Deutschen, Tschechischen und Slowakischen, Referat auf der Arbeitstagung zu Problemen des Sprachvergleichs an der Sektion Theoretische und angewandte Sprachwissenschaft der Karl-Max-Universität

- Leipzig (14. – 16. 10. 1974), soll erscheinen // Linguistische Arbeitsberichte 1975.
74. Fillmore Ch.J. Plädoyer für Kasus. // Kasustheorie. Hrsg. Abraham W. – Frankfurt / Main: Athenäum, 1971. – S. 1-118.
75. Fillmore Ch.J. The Case for Case. // Universals in Linguistic Theory, Hrsg. Bach E., Harms R.T., – New York u. a. 1968. – P. 1-88.
76. Fix U., Poethe H., Yos G. Textlinguistik und Stilistik für Einsteiger. Ein Lehr- und Arbeitsbuch. – Frankfurt am Main, 2003. – 236 S.
77. Grebe P. Der Große Duden. Die Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – Mannheim, 1959. 700 S.
78. Heinemann W. Textsorten/Textmuster – ein Problemaufriss // Textsorten/Textmuster in der Sprech- und Schriftkommunikation, Festschrift zum 65. Geburtstag von Wolfgang Heinemann (=Wissenschaftliche Beiträge der Universität Leipzig). – 1990. – S. 8-16.
79. Heinemann W., Viehweger D. Textlinguistik. Eine Einführung. – Tübingen, 1991. – 310 S.
80. Helbig G. Beziehungen zwischen Valenz und Semantik. // Linguistische Studien 14, Reihe A, 1975. – S. 53-69.
81. Helbig G. Zu einigen Problemen des Passivs und des Reflexivums im Deutschen. // Aktuelle Probleme der Germanistik. – Kiew, 1975. – S. 97-134.
82. Helbig G. Zum Problem der Genera des Verbs in der deutschen Gegenwartssprache. // DaF, 3/1968, S. 129-148.
83. Helbig G. Zur semantischen Charakteristik der Argumente des Prädikats // Probleme der Bedeutung und Kombinierbarkeit im Deutschen, Leipzig 1977. – S. 40-92, 220-231.
84. Helbig G., Buscha J. Deutsche Grammatik – Ein Handbuch für den Ausländerunterricht. – Leipzig, 1972. – 629 S.
85. Helbig G., Buscha J. Deutsche Grammatik. Ein Handbuch für den Ausländerunterricht. – Leipzig: VEB Verlag Enzyklopädie, 1974. – 629 S.

86. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1966. – 518 S.
87. Kaiser B. Wozu noch Literatur?: Über Dichtung und Leben. – Würzburg, 2005. – 149 S.
88. Kleine Enzyklopädie – Die deutsche Sprache. Bd. 2,. – Leipzig, 1970. – 1174 S.
89. Koller W. Einführung in die Übersetzungswissenschaft. – Heidelberg-Wiesbaden: Quelle und Meyer, – 1992. – 343 S.
90. Koller W. Einführung in die Übersetzungswissenschaft. – Wiebelsheim: Quelle und Meyer, – 2001. – 343 S.
91. Kristeva J. Semeiotike: Recherches pour une semanalyse. Paris: Seuil, 1969. – 318 p.
92. Lötsch R. Überlegungen zu einigen morphologischen Kategorien des deutschen Verbs (hekt.), – AdW Berlin, 1972.
93. Luserke-Jaqui M. Einführung in die Neuere deutsche Literaturwissenschaft. – Göttingen, 2002. – 150 S.
94. Moskalskaja O.I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – Moskau, 1971. – 383 S.
95. Neumann W. Über die Dialektik sprachlicher Strukturen. // Deutsche Zeitschrift für Philosophie, 2/1969.
96. Reiss K., Vermeer Hans J. *Grundlegung einer allgemeinen Translationstheorie*. – Tübingen: Niemeyer. – 1984. – 245 S.
97. Riecke J., Kuhlmann Q. Einführung in die historische Textanalyse. – Göttingen, 2004. – 201 S.
98. Riesel E., Schendels E. Deutsche Stilistik. – Moskau, 1975. – 316 S.
99. Schmidt W. Grundfragen der deutschen Grammatik. – Berlin, 1965. – 322 S.
100. Steube A. Unpersönliches Passiv. // Linguistische Arbeitsberichte 5, – Leipzig, 1972. – S. 49-62.
101. Steube A., Walther G. Zur passivischen Diathese im Deutschen. // Linguistische Arbeitsberichte 5. – Leipzig, 1972. – S. 17-48.

102. Suchsland P. Gesellschaftliche Funktion und gesellschaftlicher Charakter der Sprache. // Sprachpflege, 10/1971. – S. 193-202.
103. Tomečková M. Einige Bemerkungen zur Übersetzungstheorie und –praxis mit besonderer Berücksichtigung der Äquivalenz-Problematik. Magisterská diplomová práce. – Brno, 2009. – 66 S.
104. Zimmermann I. Rezension zu Ch.J. Fillmore – Case for Case; Zimmermann I. Die Funktionen der Nominalphrasen im Satz, beides // ASG-Bericht Nr.7, – Berlin, 1970. – S. 1-16.

III. Манба

105. Götz D., Hänsch G., Wellmann H. Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache. Neubearbeitung. – Berlin und München: Langenscheidt KG, 2003.
106. Рыбаков А. Дети Арбата. – Москва, 1988. – 540 с.
107. Ўмархўжаев М.И., Назаров Қ.Н. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 160 б.